

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

49-сон
(861)
2018 йил
10 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

933. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон Фармони
934. «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ–4047-сон қарори
935. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ–4049-сон қарори
936. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ–4055-сон қарори

Учинчи бўлим

937. «Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарори

Бешинчи бўлим

938. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 2-мх-сон «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3094*)
939. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 3 декабрдаги 537-мх-сон «Диний ташкилотлар томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3095*)
940. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02-01 / 13-68-сон «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2814-1*)
941. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 53-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан, тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-2*)
942. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/12-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-3*)
943. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил

10 ноябрдаги 35/11-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-3*)

944. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг 2018 йил 30 октябрдаги 16, 30-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3096*)

945. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 543-мх-сон «Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1584-2*)

946. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 53-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-4*)

947. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 545-мх-сон «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 1 декабрдан 7 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

933 Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими- ни тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора- тадбирлар тўғрисида*

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинич тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштирилмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва худудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Натижада 1991 — 2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизга, оналар ва чақалоқлар ўлими 3,1 баробар камайди. Ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислохотлар тўлиқ бўлмаган шаклда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолининг тиббий ёрдам сифатига доир истак ва талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги сметали молиялаштириш ти-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 декабрда эълон қилинган.

зими эскирган, замонавий халқаро амалиётга мос келмайдиган механизмларга асосланган бўлиб, молия ресурсларининг самарасиз ишлатилишига ва соҳанинг сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда;

учинчидан, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги фуқароларнинг ихтисослашган тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг кўпайишига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичлари, шу жумладан, даволаш ва саломатликни тиклаш жараёнида узвийлик суэт ривожланган;

бешинчидан, амалдаги кадрлар сиёсати тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида, айниқса, бирламчи бўғинда мутахассислар билан таъминлашнинг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчилари ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг истиқболларини прогнозлаштириш имконини бермаяпти;

олтинчидан, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси суэтлиги ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги билан биргаликда замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграциясини ва самарали бошқарилишини таъминлайдиган замонавий дастурий маҳсулотлар жорий этилмаган, мавжуд ахборот тизимлари ва технологиялари тарқоқ тусга эга ва тор йўналишларга мўлжалланган.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш;

жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг «кластер» моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш;

тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат

томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш;

тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклигини ва тиббий туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;

фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиши механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш;

тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида;

«электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш.

2. Қўйидагилар:

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг қўйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2019 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг 3-иловага* мувофиқ айрим туманларида тиббиёт муассасаларини «ҳар бир даволанган ҳолат» учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича ва киши бошига молиялаштириш тизимини (кейинги ўринларда — молиялаштиришнинг янги механизмлари) эксперимент тартибда жорий этиш;

эксперимент натижаларини танқидий таҳлил қилиш асосида молиялаштиришнинг янги механизмларини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич татбиқ этиш;

2019 йил 1 июлдан бошлаб вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги стационар соғлиқни сақлаш муассасаларида аралаш молиялаштириш тизимини жорий этиш, бунда кафолатланган бепул тиббий хизмат ҳажмига кирмайдиган даволаш турлари пулли асосда амалга оширилади;

2019 йил 1 июлдан бошлаб айрим даволаш-профилактика муассасаларини ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳалари) асосида белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга бериш;

2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида мажбурий тиббий суғурталашни босқичма-босқич жорий этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик):

а) Молия вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар қўйидагиларни назарда тутадиган «Мажбурий тиббий суғурталаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳуқуқий асослари, механизмлари ва жорий этиш босқичлари;

мажбурий тиббий суғурталаш субъектларини, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича ваколатли органни, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

мажбурий тиббий суғурталаш дастурларини молиялаштириш маблағларини шакллантириш манбалари;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармонни амалга оширишда техник кўмакни таъминлаш, шу жумладан, мажбурий тиббий суғурталашни жорий этиш бўйича тадбирларни техник-иқтисодий асослашни амалга ошириш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) ташкил этилсин ва унинг таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи комиссиянинг асосий вазифалари этиб Концепцияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган

* 3-4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тартибда сифатли ишлаб чиқиш ва киритиш ҳамда амалий чоралар кўрилишини ташкил қилиш белгилансин.

Ишчи комиссия (А.А. Абдуҳакимов):

бир ҳафта муддатда вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг мутахассисларини, фуқаролик жамияти институтлари, етакчи хорижий консалтинг компаниялари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини тузсин, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани танқидий таҳлил қилиш асосида тайёрланишини таъминласин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари изчил ва сифатли тайёрланиши, ўз вақтида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ва киритилиши, шунингдек, Дастурда назарда тутилган бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши устидан доимий назоратни амалга оширсин;

2019 йил 1 апрелга қадар муддатда айрим даволаш-профилактика муассасаларини белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга бериш бўйича инвестиция лойиҳаларини тайёрласин ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Инвестиция порталида жойлаштирилишини таъминласин;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг намунали давлат-хусусий шериклик амалиётларининг мониторингини ва кенг татбиқ этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ягона сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

ногиронликни белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

муҳтож шахсларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик мустақил юридик шахс бўлиб, ўз баланси, банк муассасала-

рида ҳисобварақлари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган муҳрига эга бўлади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади;

Агентлик директори ўз мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизмати шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий ва пансионатлар, имконияти чекланган шахслар учун республика ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича республика реабилитация маркази белгиланган тартибда Вазирлик таркибидан Агентлик тасарруфига ўтказилсин.

9. Вазирлик икки ой муддатда Агентлик тузилмаси ва унинг низомини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Белгилансинки, Агентлик фаолиятини ташкил этиш давлат соғлиқни сақлаш тизими органлари ва ташкилотларининг штат сонини оптималлаштириш ҳисобидан «Соғлиқни сақлаш» тармоғи учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

10. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

б) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйдагиларни назарда тутадиган тиббий таълим ва тиббиёт фани тизимини янада ривожлантириш бўйича қарори лойиҳасини:

ўрта ва олий тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув режалари, дастурлари, ўқув-услубий материаллари ва назарий машғулотларни янада оптималлаштириш ва амалий машғулотларни кўпайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, уларни тиббиёт фани ва амалиётининг умумжаҳон ютуқларига мувофиқлаштириш;

илғор илмий ишланмалар ва технологияларни амалий соғлиқни сақлашга интеграция қилишда тиббий олий таълим муассасалари клиникаларининг ролини кучайтириш;

тор мутахассисликлар бўйича тиббий кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, магистратура ва клиник ординатурада ўқитиш муддатларини клиник кўникмаларни эгаллаш мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда мақбуллаштириш;

олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини, соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, муаммоларга йўналтирилган модулли ўқув дастурларини жорий этиш, масофадан ўқитиш механизмларини кенг қўллаш;

бошқарув ва ўқув жараёнига юқори малакали ва малакали хорижий мутахассислар, олимлар ва ўқитувчиларни кенг жалб этиш;

в) икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 декабрь,
ПФ–5590-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги
ПФ–5590-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг
соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**I. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг
бугунги ҳолати**

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш

таъминланди, БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг асосий параметрларига эришилди.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқларга халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳо берилди. Масалан, аҳолининг умр кўриши 4,6 ёшга — 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2017 йилда 73,7 ёшга ошди.

Оналар ўлими кўрсаткичи 3,1 бараварга камайиб, 100 минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 21 та ҳолатни ташкил этди, чақалоқлар ўлими эса 3,1 бараварга камайиб, 1000 нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 11,5 та ҳолатни ташкил этди. Болаларда энг кўп учрайдиган касалликларга қарши эмлаш ва профилактика тадбирлари билан қамраб олиш даражаси 96 — 98 фоизда қатъий сақланиб турибди.

Юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича комплекс профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларининг жорий этилиши ўта хавфли юқумли касалликлар (ўлат, вабо), полиомиелит, дифтерия, чақалоқлар қоқшоли, маҳаллий келиб чиққан безгак, қизамиқ ва қизилча юзага келишидан тўлиқ химоя қилиш имконини берди. Полиомиелитнинг ёввойи штамми (2002 йил), қизамиқ ва қизилча (2017 йил), безгак (2018 йил) йўқ қилинганлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатлари олинди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлашни ташкил этишда фуқаролар соғлигини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни самарали ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммоли масалалар ва салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги, ўлим ва ногиронликни келтириб чиқариш эҳтимоли катта бўлган касалликларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини ижтимоий химоя қилиш соҳасидаги қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Трансплантология, кўмакчи репродуктив технологиялар, телетиббиёт каби талаб юқори бўлган йўналишларнинг тартибга солинмаганлиги миллий соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт илм-фани ва амалиётининг замонавий ютуқларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунга қадар мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш учун шарт-шароитлар яратилмаган. Натижада ҳанузгача соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Республикада тиббиёт хизматларининг клиник тавсиялари (баённомалари) ва стандартлари билан узвий боғлиқ клиник-харажат гуруҳлари (DRG тизими) ишлаб чиқилмаган.

Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг профилактика, патронаж ва ўз вақтида даволаш-ташхис қўйиш ишлари, шу жумладан, амбулаторияда даволашни охиригача етказиш самарадорлиги қониқарсизлигича қолмоқда. Бунинг натижасида аҳоли соғлиғини сақлаш тизимида қиммат турадиган стационар ёрдам асосий ўринни эгалламоқда.

Аҳолига, айниқса, болалар ва фертиль ёшидаги аёлларга патронаж хиз-

мати даражаси паст эканлиги (72 — 77%) қайд этилмоқда, умумий амалиёт шифокорларининг билим ва кўникмалари даражаси оналар ва болаларга тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда таъминлаш имконини бермаяпти.

Соғлиқни сақлашнинг жадал ривожланаётган хусусий секторини давлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликка фаол жалб қилишга ров бўлаётган тўсиқлар қўшимча молия ресурсларидан соғлиқни сақлаш учун самарали фойдаланиш имконини бермаяпти.

Тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари экстенсив тарзда ривожланмоқда, у ерда тиббиёт фанлари докторларининг 70 фоизи ишласада, уларнинг салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаёпти. Ихтисослашган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги шароитида тиббиёт амалиётининг таълим бериш жараёни ва илм-фан билан суств интеграциялашганлиги тиббиётнинг илғор ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш қониқарсиз даражада эканидан дарак бермоқда.

Шу билан бирга, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимларини татбиқ этишдаги суствкашлик ва бунинг оқибатида шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари касбий билимлари даражасининг етарли эмаслиги кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тиббиёт ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилиш даражаси пастлиги, улар ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатининг ўз зиммасига юкланаётган жавобгарлик даражасига мос келмаслиги малакали кадрларнинг тизимдан чиқиб кетиши ва коррупция ҳолатлари юзага келиши учун шароит яратмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги, тиббиёт ҳужжатларининг жуда катта ҳажми қоғоз шаклида юритилиши қабул қилинаётган қарорлар ижросини тезкор кузатиб бориш ва самарали ижросини таъминлаш имконини бермаяпти, шунингдек, ортиқча бюрократизм ва катта харажатларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган камчиликлар соғлиқни сақлашнинг сифатига бўлган аҳолининг тобора ортиб бораётган талабларини қондириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдириш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш имконини бермаяпти.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутувчи 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали соғлиқни сақлашнинг концептуал янги моделини шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

II. Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадлари ва вазифалари

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, Саломатлик — 2020 ва Барқарор тараққиёт мақсадлари — 2030 минтақавий сиёсати доирасида аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда катта муваффақиятларга эришган илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашувларни ўз ичига олган.

Концепция мақсадлари:

1. Касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш.

2. Тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни, аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишни ва ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаш учун соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш.

3. Концепция вазифаларини бажариш ва республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари салоҳиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлари роли ва жавобгарлигини ошириш.

Концепция вазифалари:

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартлари ва тавсияларини имплементация қилган ҳолда тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш.

2. Фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида идоралараро самарали ҳамкорлик ва алоқалар механизмларини ривожлантириш, шу жумладан, саломатликнинг ижтимоий ва иқтисодий детерминантларига салбий таъсир кўрсатётган муаммоларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни ривожлантириш, сув таъминоти ва санитарияни, соғлом овқатланиш, шу жумладан, чақалоқлар ва болаларнинг соғлом овқатланишини яхшилаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

3. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, шу жумладан, санитария-эпидемиология хизматини ривожлантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган сурункали касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, Халқаро тиббий-санитария қоидаларини жорий этиш ва бажариш.

4. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи ва иккиламчи даражадаги, тез тиббий ёрдам тиббиёт муассасаларининг самарали интеграциясини таъминлаш учун соғлиқни сақлашнинг туман бўғинини ислоҳ қилиш, она ва бола соғлиғини сақлашни мустаҳкамлаш, ихтисослашган ва паллиатив тиббий ёрдамни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш.

5. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, бепул тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажминини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш ҳамда мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш.

6. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни

кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш.

7. Соғлиқни сақлаш тизими, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ташкилий тузилмасини функционал вазифалар ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаган ҳолда такомиллаштириш.

8. Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини аккредитация қилиш, шунингдек, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

9. Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, янги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳамда тиббий техникани рўйхатга олиш тартиб-таомилларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, нарх белгилаш механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш, уларни маркировкалаш ва трекинг тизимларини жорий этиш.

10. Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини, шу жумладан, илмий ва тиббиёт таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш), замонавий таълим дастурлари, усуллари ва технологияларини жорий этиш асосида шакллантириш.

11. «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимларини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуини яратиш.

III. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш

1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини бирхиллаштириш ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар қабул қилиш орқали норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг бири-бирига мувофиқлигига эришиш ва қўллаш учун қулайликлар яратиш мақсадида ягона ҳужжатда кодификациялаш, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодексини қабул қилиш.

3. Бепул тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйиш.

4. Мажбурий тиббий суғурта соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

5. Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш соҳасидаги, шу жумладан, оналар ва болаларни эмлаш, диспансеризация қилиш ва уларга кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжат-

ларини такомиллаштириш, Кўкрак сути ўрнини босувчи озуқа маркетинги тўғрисидаги халқаро кодекс нормаларини имплементация қилиш ҳамда Чақалоқларни ва кичик ёшдаги болаларни овқатлантириш тўғрисидаги миллий дастурни қабул қилиш.

6. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар маркетингини тартибга солишнинг, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жисмоний тарбия билан шуғулланишга ва спорт тадбирларига жалб қилишга рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

7. Тиббиёт ходимлари ўз касбий мажбуриятларига рияз этишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, Тиббиёт ходимларининг ахлоқ кодексини қабул қилиш ва уларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.

8. Аҳолини, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини ошириш.

2. Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш

1. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган давлат бошқарувининг замонавий шаклларини жорий этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий органлар тузилмасини такомиллаштириш.

2. Тиббий ёрдамнинг зарур босқичма-босқичлиги ва изчиллигини таъминлаш учун бир-бирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи ҳар хил даражадаги ва тор ихтисосликдаги тиббиёт ташкилотларини бошқарувнинг ягона тизимига интеграция қилишни назарда тутувчи «кластер» ёндашуви асосида ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш.

3. Тиббий ёрдам кўрсатиш даражалари, ҳажми ва турлари бўйича тиббиёт ташкилотлари тоифалари классификаторини, шунингдек, уларни қуриш, моддий-техник ва аҳоли жон бошига ҳисоблаб чиққан ҳолда, аҳоли зичлигини ва транспорт инфратузилмаси ривожланганлигини ҳисобга олиб, кадрлар билан таъминлаш нормативларини ишлаб чиқиш.

4. Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари ҳамда фаолияти гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар айланмаси билан боғлиқ ташкилотларни аккредитация қилишнинг, шунингдек, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашнинг механизмларини илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этиш.

5. Халқаро стандартлар асосида менежмент ва тиббиёт хизматлари сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини, шунингдек, аҳолининг соғлиқни сақлаш сифатидан қониққанлигини баҳолаш механизмларини жорий этиш.

6. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг улар малакасига, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб тоифаланган замонавий механизмларини жорий этиш, шу жумладан, қўлланилаётган тармоқ тариф сеткаси ўрнига тиббиёт ходими фаолияти натижаларига қараб клиник-харажат гуруҳлари ва жон бошига молиялаштиришнинг тегишли мезонларига кўра тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари ва ўзгарувчан (мукофотлаш) ставкасини жорий этиш.

7. Бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари, айниқса, қишлоқ жойлардаги муассасаларнинг тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

8. Давлат санитария-эпидемиология назорати тизимини такомиллаштириш, уларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини, фуқаролар соғлиғи хавфсизлиги таъминланишини назорат қилишдаги роли ва жавобгарлигини ошириш, касаллик қўзғатувчи омилларга лабораторияда ва экспресс ташхис қўйишнинг янги технологияларини жорий этиш.

9. Тиббиёт ташкилотларининг асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини аниқлашнинг ягона механизмлари ва стандартларини жорий этиш, уларни ҳисобга олишнинг ахборот тизимини яратиш.

10. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тиббиёт ускуналарига техник хизмат кўрсатадиган ва уларни метрологик текширадиган ҳудудий хизматларни ташкил этиш.

3. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш

1. Қуйидагиларни назарда тутадиган клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тиббий хизматларга ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини босқичма-босқич жорий этиш:

ҳудудларнинг хусусиятлари, муассасалар тури, аҳоли зичлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олувчи тоифаланган тузатиш коэффициентларига эга молиялаштиришнинг ягона жон бошига тўғри келадиган нормативини жорий этиш ҳисобига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ҳудудий бюджетдан таъминланганлигини тенглаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизматларига клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун ҳақ тўлашнинг замонавий усулларига ўтиш;

давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш учун тиббий хизматларнинг давлат ва хусусий етказиб берувчилари билан контрактлар тузиш тизимига ўтиш.

2. Асосланган стратегик қарорлар қабул қилиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғурта дастурлари жорий этилишини қўллаб-қувватлаш учун соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларни ҳисобга олиш ва далилий базани ташкил этиш мақсадида соғлиқни сақлаш ҳисобварақлари миллий тизими-ни яратиш.

3. Мажбурий тиббий суғурта дастурлари бўйича молиявий маблағларни жамловчи ва тақсимловчи Мажбурий тиббий суғурта жамғармасини ташкил этиш.

4. Республиканинг барча ҳудудларида тиббий хизматларнинг кафолатланган ҳажмларини ҳисоблаб чиқиш ва клиник-харажат гуруҳларини шакллантириш асосида беморларнинг мақсадли контингентлари ва тиббий ёрдамнинг мақсадли турлари учун мажбурий тиббий суғуртага оид махсус дастурларни жорий этиш.

5. Фуқароларни тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ўз соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлишга ундайдиган дастурларни жорий этиш.

6. Республика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта билан тўлиқ қамраб олишни босқичма-босқич таъминлаш.

4. Тиббий ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш

1. Йирик кўп тармоқли даволаш муассасаларини, шу жумладан, тор ихтисосликдаги махсус тиббиёт ташкилотларини (уларнинг филиалларини) бирлаштириш ҳисобига ташкил этиш орқали жойларда юқори сифатли тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

2. Асосий ва энг кўп учрайдиган касалликлар ва ҳолатлар бўйича исботловчи тиббиётга асосланган ҳамда халқаро стандартларга уйғунлаштирилган миллий клиник стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Хизматлар кўрсатиш технологияси, зарур кадр ресурслари, дори воситалари ва сарфлаш материаллари тавсифлашни назарда тутадиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббий хизматларнинг ягона реестрини яратиш.

4. Тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларининг мақбул кетма-кетлиги ва изчиллигини таъминлайдиган, беморларга йўналиш берувчи схемаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш.

5. Олий тиббий таълим муассасаларининг клиникаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, шу жумладан «таълим — амалиёт — фан» алоқаси ягоналиги принципи асосида уларни 4-даражагача модернизация қилиш.

6. Соғлиқни сақлаш амалиётига халқаро стандартларга мувофиқ кичик инвазив юқори технологик жарроҳлик аралашувларини (радиожарроҳлик, микрожарроҳлик, роботлаштирилган жарроҳлик, шунтлаш ва бошқалар)

жорий этиш, қисқа муддатли бир кунлик амбулатория жарроҳлик ёрдамиди («бир кунлик жарроҳлик»ни) ривожлантириш.

7. Тиббиёт ташкилотларида индивидуал электрон қурилмалар ёрдамида қайд этилган хавф остидаги гуруҳга кирувчи амбулатория беморларининг соғлиғи кўрсаткичлари ўзгаришига шошилиш чоралар қўриш тизимини яратиш.

8. Шошилиш ва тез тиббий ёрдам хизматини янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (қийин йўлларда юра оладиган автомобиллар, реанимобиллар ва авиация техникаси билан жиҳозлаш), шошилиш ва фавқулодда ҳолатда ҳаракатланувчи бошқа хизматлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш.

9. Регенератив, шу жумладан, биотиббий хужайра, аддитив ва бошқа янги технологияларга асосланган тиббиётни ривожлантириш.

10. Предиктив тиббиётни ривожлантириш (наслий мойилликнинг олдини олиш), соғлиқ ҳолатига молекуляр-генетик ташхис қўйиш, скрининг ва мониторинг қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш.

11. Юқумли бўлмаган касалликлар ривожланиш омилларини, шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хавф остидаги гуруҳга кирадиган беморлар орасида диспансеризация ва скрининг-тадқиқотларни, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш, реабилитация тиббиётини ривожлантириш, «уйда стационар» хизматини кенгайтириш орқали эрта аниқлаш.

12. Катта ва кекса ёшдаги фуқароларга узоқ муддатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий моделини яратиш, уйда ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи геронтологик ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш.

13. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни кенг тарғиб қилиш, фуқароларда ўз саломатлиги ва атрофдагилар соғлиғи учун жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, шунингдек, уларнинг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш.

14. Микробга қарши чидамлилиқ тарқалишининг олдини олиш, шу жумладан, микробга қарши терапиянинг оқилона схема ва регламентларига қатъий риоя қилиш, антибактериал терапия тайинлашда микробиология диагностикаси усулларини ривожлантириш ва кенгайтириш, антибактериал препаратларнинг янги турларини ишлаб чиқиш.

5. Оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш

1. Репродуктив ёшдаги аёлларга ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини, шу жумладан, қуйидагиларни ташкил этиш орқали кенгайтириш ва ошириш:

марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникаларида репродуктив саломатлик ва хавфсиз оналик, пренатал диагностика кабинетлари (оналар скрининги), шунингдек, болалар бўлимлари;

болалар стационар муассасаларида тез тиббий ёрдам педиатрия бригадалари ва шошилич постларни кенгайтириш ҳисобига болаларга кечаю кундуз шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида болалар қабул бўлимлари, болалар реанимацияси ва интенсив терапия бўлимлари қабулхоналари.

2. Ирсий, генетик, бирламчи иммунитет танқислиги (орфан), туғма ва орттирилган касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини, шу жумладан, туғма, сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш орқали такомиллаштириш.

3. Ирсий касалликларга мойил бўлган, хавф остидаги гуруҳга кирадиган болаларга эрта ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш.

4. Болалар ўлими ва ногиронлигини камайтиришга қаратилган миллий лойиҳаларни, шу жумладан, ўсмирларнинг жисмоний ва рухий-ижтимоий осойишталигига қўмаклашувчи «Болаликда учрайдиган касалликларни интеграциялашган ҳолда юритиш», «Болаларнинг жароҳат олиши ва болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш», «Чақалоқлар саломатлиги», «Ўсмирлар саломатлиги», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Соғлом мактаб муҳитини шакллантириш» дастурларини амалга ошириш.

5. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қўлланиладиган мактаб ёшидаги болаларни ўрганишнинг замонавий усуллари ва дастурларидан кенг фойдаланиш, «Мактаб ёшидаги болалар соғлиғига нисбатан хулқини текшириш» (НБСC) Европа ҳамкорлик тармоғига ҳамда Болалар семиришини эпидемиологик назорат қилиш Европа тармоғига (COSI) Ўзбекистоннинг қўшилиши.

6. Оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик, шу жумладан, микрожарроҳлик ва кичик инвазив тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш.

7. «Она ва бола» йирик кўп тармоқли тиббиёт марказларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида босқичма-босқич, шу жумладан, самараси паст ва тор ихтисосдаги давлат тиббиёт ташкилотларини бирлаштириш орқали ташкил этиш.

6. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш:

худудлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун амбулатория ва стационар тиббий хизматларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;

аҳолининг эҳтиёжи катта бўлган тиббиётнинг айрим йўналишлари ривожига инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг татбиқ этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ролини кучайтириш, шунингдек, уларнинг негизида хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари юзасидан ахборот билан таъминлаш учун ягона диспетчер хизмати (Call-маркази) ташкил этиш.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасига қуйидаги шаклларда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш:

хусусий тиббиёт ташкилотлари биноларини қуриш учун доимий фойдаланиш мақсадида бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шarti билан хусусий тиббиёт ташкилотлари объектлари қуриш учун бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

кам фойдаланиладиган ёки реконструкция қилиш ёхуд капитал таъмирлашни (қайта жиҳозлашни) талаб қиладиган мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини ижарага бериш;

бино қуриш ёки реконструкция қилиш, концессия асосида жиҳозлаш учун ер участкаси ажратиш;

бўш турган давлат мулки объектларини, шу жумладан, ишламаётган давлат тиббиёт ташкилотлари биноларини «ноль» харид қиймати бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилиш;

давлат тиббиёт ташкилотларининг айрим функциялари ёки хизматларини тадбиркорлик субъектларига аутсорсинг асосида ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб бериладиган бошқа шаклларда.

3. Мамлакатимиз тиббиёт ташкилотларининг туристик салоҳиятини тубдан оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасида кириш тиббиёт туризмини ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш.

4. Йирик давлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматларни ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижда илгари суриш учун масъул бўлган маркетинг ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, чет эл фуқароларини, шунингдек, уларга ҳамроҳ бўлган шахсларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича махсус таркибий тузилмалар яратиш.

5. Кириш тиббиёт туризмини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, маданий-маърифий тадбирлар билан комплекс боғлиқ ҳолда чет эл фуқароларига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, чет эл инвестициялари, шунингдек, тиббиёт ташкилотларининг туристик инфратузилмасини ривожлантиришга халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар кредитлари ва грантларини жалб қилиш.

6. Етақчи илмий-амалий тиббиёт марказларининг салоҳиятини ва улар кўрсатадиган хизматларни, шу жумладан, эстетика жарроҳлиги, кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология имкониятларини оммавий ахборот воситаларида PR-компаниялар, конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали кенг тарғиб қилиш.

7. Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш

1. Қўйидагиларни имконини берувчи Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини маркировкалаш ҳамда улар ҳаракатланишининг мониторингини олиб бориш ахборот тизимини жорий этиш:

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳар бир қадоғининг ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган вақтдан бошлаб истеъмолчига етиб борган вақтгача ҳаракатланишини кузатиш;

сифатсиз ва контрафакт дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларининг бутун республика бўйлаб профилактикаси ва муомаладан дарҳол олиб қўйиши;

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини белгилаш устидан мониторинг олиб бориш;

барча даражаларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари захиралари ва резервларини тезкор режалаштириш ва бошқариш;

истеъмолчилар томонидан мобиль илова ёрдамида харид қилинадиган (олинадиган) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари қонунийлигини текшириш.

2. Қиммат турадиган дори терапиясини талаб қиладиган беморлар регистрларини шакллантириш.

3. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган иммунобиологик препаратларни жадал рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилни жорий этиш.

4. Дори воситаларини, тиббиёт буюмларини ва тиббий техникани рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни халқаро талабларга уйғунлаштириш.

5. Ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаси асосида дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника учун референт нарх белгилашни босқичма-босқич жорий этиш.

6. Фармацевтика ташкилотларини сифат менежменти тизимларини ва тегишли ишлаб чиқариш амалиётини (GMP ва бошқалар) жорий этишга рағбатлантириш.

7. Амбулатория ва стационар даволашда фуқароларни таъминлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан қопланадиган дори воситалари рўйхатини шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

8. Республика ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этган ҳолда уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўсимлик хом ашёси асосида дори воситалари ишлаб чиқарувчи мамлакатимиз қорхоналарини кенг қўллаб-қувватлаш.

9. Ихтисослашган фармацевтика эркин иқтисодий зоналари ҳудудида тайёр дори воситалари ва субстанциялар ишлаб чиқарувчи янги фармацевтика қорхоналари ташкил этишга доир йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

8. Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш

1. Ўқитишнинг кредит-модул тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг амалий жиҳатларини ошириш орқали олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш.

2. Клиник ихтисосликни эгаллаш мураккаблигидан келиб чиқиб, магистратура ва клиник ординатурада (резидентурада) юқори малакали кадрлар тайёрлаш муддатларини халқаро стандартларга мувофиқ 1 йилдан 5 йилгача этиб оптималлаштириш.

3. Хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан кенг ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, уларнинг филиаллари ва факультетларини очиш, шунингдек, иккита диплом бериш тизимини жорий этиш.

4. Таълим дастурларини амалга оширишда тармоқ ҳамкорлиги ва очик курслардан фойдаланиш орқали хорижий университетлар ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига таълим имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, тиббий таълимнинг электрон миллий платформаларини ишлаб чиқиш ва электрон таълим муҳитини шакллантириш.

5. Илғор илмий ишланмалар ва технологияларни соғлиқни сақлаш амалиётига интеграция қилишда тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари ва ўқув базаларининг ролини кучайтириш.

6. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда, уларни даволаш-ташхис қўйиш жараёнида иштирок этганлиги учун моддий рағбатлантириш йўли билан янги илмий ишланмалар ва технологияларни жорий этишда тиббиёт олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар профессор-ўқитувчилари ролини ошириш.

7. Қуйидагиларни жорий этиш орқали таълим узлуксизлигини таъминловчи тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш:

ўқитишнинг балл (жамғариб бориш) тизими;
муаммога йўналтирилган модул ўқув дастурлари;
масофавий ўқитиш дастурлари;

узлуксиз тиббий таълимни ташкил этишда кўмаклашиш учун интерактив портал.

8. Тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар, шу жумладан, GCP (Good clinical practice) стандарти бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш) асосида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, тиббиёт илм-фанини ривожлантириш тизими самарадорлигини ошириш.

9. Тиббиёт таълим муассасаларида ўқитиш тўлдирилган ва виртуал реаллик шароитида, тиббий тренажёр ва манекенларда олиб бориладиган симуляцион марказларни ташкил этиш.

10. Тиббиёт илмий ва таълим муассасаларининг базавий ҳамда дастурий-мақсадли молиялаштирилишини, инновацион ишланмалар ва технологиялар трансферини амалга ошириш учун тиббиёт ва илмий жамоаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашни таъминлаш, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш.

11. Олий тиббиёт ўқув муассасалари тиббий-профилактик йўналиши кафедраларининг таълим дастурлари тан олинган халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Европа минтақасида жамоат соғлиғини сақлаш мактаби уюшмаси (ASPHER — The Association of Schools of Public Health in the European Region) томонидан аккредитация қилинишини таъминлаш.

9. Ахборот-коммуникация технологиялари ва «электрон соғлиқни сақлаш»ни кенг жорий этиш

1. Қуйидаги имкониятларни назарда тутувчи «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуини ташкил этиш:

а) аҳоли учун:

тиббиёт ташкилотлари ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида ахборот олиш;

шифокорлар малакаси, иш стажи, қабул вақти ҳақида ахборот олиш, шунингдек, «электрон навбат», шу жумладан, масофадан навбатни банд қилиб қўйиш имкониятини ташкил этиш;

кўрсатиладиган хизматлар сифатини, шу жумладан, тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш;

мобиль иловалар орқали тизимдан фойдаланиш;

б) тиббиёт ташкилотлари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари: муассасани ривожланишнинг инновацион ижтимоий йўналтирилган типига айлантириш;

соғлиқни сақлаш соҳасида стандартлаштириш тизимини амалга ошириш; электрон ҳужжат билан ишлашни жорий этиш орқали иш жараёнини оптималлаштириш (тиббиёт карталари ва касалликлар тарихларини тўлдириш, «электрон рецептлар» бериш);

тиббиёт ходимлари, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника, сарфлаш материаллари ҳисобини ва мониторингини юритиш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича молиявий операциялар амалга ошириш ва мониторингини юритиш, тиббиёт ташкилотларининг бўлажак харажатларини баҳолаш, шунингдек, эҳти-моли бўлган хатарларни таҳлил қилиш;

тиббий статистика, ҳисоб ва ҳисобот юритиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш миллий ҳисобварақлари тизимини қўллаб-қувватлаш;

бошқа тиббиёт ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграциялаш ва ахборот алмашиш;

2. Тиббиёт ташкилотлари иш кўрсаткичлари ва тармоқнинг ривожла-

ниш ҳолатини мониторинг қилишнинг асосий механизми сифатида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

3. Тиббиёт ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш ҳамда масофавий тиббий ва таълим хизматларини (маслаҳатлашувлар, консилиумлар, операциялар, маҳорат дарслари ва ҳоказолар) ўтказиш учун телетиббиётни ривожлантириш.

IV. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепцияни амалга ошириш натижасида қуйидагилар кутилмоқда:

барқарор тараққиёт соҳасида миллий мақсадлар ва вазифаларга эришиш;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар стандартлари ва тавсияларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, Халқаро тиббий-санитария қоидаларини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, малакали, ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ошириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш;

республика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта дастурлари билан босқичма-босқич қамраб олиш;

соғлиқни сақлашни молиялаштиришни ошириш, тиббий хизматлар кўрсатишда бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўланишини таъминлаш;

республика ҳудудларини тиббиёт ва фармацевтика кадрлари билан тўлиқ ҳамда тенг ҳажмда таъминлашга эришиш;

жамият соғлиқни сақлаш тизими ва фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш;

аҳолига реабилитация ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

умр кўришни 75 ёшгача ошириш;

оналар ўлими кўрсаткичини 15 фоизга камайтириш;

чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини 30 фоизга камайтириш;

аҳоли орасида юрак-томир, онкология касалликлари, қандли диабет ва сурункали нафас йўллари касалликларидан бевақт ўлишни 15 фоизга камайтириш;

аҳолининг сил, ОИВ, гепатит ва бошқа юқумли касалликларга чалиниш даражасини камайтириш.

Натижаларга эришиш даражаси ва уларнинг самарадорлиги Концепцияда назарда тутилган, индикаторлари иловада келтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан мунтазам мониторинг олиб бориш асосида баҳоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**934 Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Республикада пиллачилик тармоғини ривожлантириш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнига замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмларини ошириш ҳамда тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, ҳанузгача пилла хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош тайёр ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Янги интенсив тутзорлар ва тут қаторлари барпо этишни рағбатлантириш, тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш, илғор технологиялар, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар ва илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, пилла хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош тайёр ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг турларини кўпайтиришни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг мавжуд тутзорларни «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг худудий «Агропилла» МЧЖларига ўтказиб бериш ва янги тутзорлар барпо этиш борасидаги фаолияти лозим даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 20 августдаги ПҚ–3910-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг республика худудларида аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш мақсадида пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ер эгаларига (аҳоли хонадонларига) 50 бошдан 90 кунлик парранда ва тут кўчатларини шартнома асосида бепул етказиб бериш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 декабрда эълон қилинган.

2019 — 2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ерларида (аҳоли хонадонларида) тут кўчатлари экишни ва парранда боқишни ташкил этишнинг мақсадли прогноз параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан ипак қуртини парваришлаш иншоотларини қуришнинг мақсадли прогноз параметрлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган мақсадли прогноз параметрлари бажарилишини таъминлаш юзасидан туманлар, пиллачилик тармоғи ташкилотлари, томорқа ерлари (аҳоли хонадонлари) кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурларини тасдиқласин ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ижро этилишини таъминласин.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрлари ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижасини таҳлил қилган ҳолда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиб борсин.

4. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йилдан бошлаб уюшма таркибига кирувчи ташкилотларнинг пилла ҳосили учун контрактация шартномаларида белгиланган миқдорлардан ортиқча пилла топширилганида, 5 килограммгача ортиқча пилла ҳосили харид нархига нисбатан 15 фоиз, 5 килограммдан юқори бўлган қисмига — 25 фоиз миқдорида устама тўлаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларнинг қиймати ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларнинг ипак қурти уруғини сотиб олиш, тутзорлар барпо қилиш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2019 — 2021 йилларда ажратиладиган банк кредитлари фоиз харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари томонидан белгиланган кредит ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда компенсация тақдим этиш тартиби ўрнатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 — 2021 йиллар давомида ҳар йили 100 млрд сўм миқдоридаги маблағларни тегишли йилнинг 1 февралига қадар мазкур бандда назарда тутилган компенсацияларни тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-

* 1-2-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳамда тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда халқаро молия ташкилотлари ва институтлари билан музокаралар олиб борсин ва пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун имтиёзли кредит линияларини очиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар 2023 йил 1 январга қадар муддатга мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озод этилсин, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шу жумладан, технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 январдаги ПҚ–3472-сон қарорининг 10-банди «а» кичик бандида назарда тутилган божхона тўловлари бўйича имтиёзларни, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳисобига олиб кирилаётган божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан 7 йилгача бўлган технологик ускуналарга ҳам қўллашга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда назарда тутилган имтиёз қўйидаги шартлар билан қўлланилади:

имтиёз қўлланилганидан кейинги йилдан бошлаб 3 йил давомида ҳар йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг камида 50 фоизини экспорт қилиш;

имтиёзни қўллаш натижасида бўшайдиган маблағларни технологик ускуна олиб кирилган кундан бошлаб дастлабки 2 йил ичида ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтириш.

9. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тармоқ ташкилотлари ходимларини ихтисослашган олий таълим муассасаларидаги «Ипакчилик ва тутчилик» таълим йўналиши бўйича сиртқи бўлимларга белгиланадиган қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида тест синовларисиз қабул қилиш тартиби жорий этилсин. Бунда олий таълим муассасаларига қабул:

ходимнинг умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотига ва тармоқ ташкилотларида камида 3 йил амалий иш стажига эга бўлиши;

контракт тўлови тармоқ ташкилоти томонидан кафолатланган ҳолда амалга оширилиши ва ходим — битирувчининг ўқишни тамомлаганидан сўнг 5 йил давомида тармоқ ташкилотида ишлаб бериши шарти билан амалга оширилади.

10. «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг:

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, чет эл давлатларининг пиллачилик тармоғи вакиллари, эксперт ва мутахассислар ҳамда хорижий сайёҳларни кенг жалб қилган ҳолда 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Халқаро ипакчилик форуми ва «Ипак ва Мода» («Silk & Fashion») халқаро ипакчилик кўرғазмасини;

жойларда, биринчи навбатда, туристлар ташриф буюрадиган маданий мерос объектлари худудларида «Uz-Silk» миллий бренди остида ипак матолар ва тайёр ипак маҳсулотлари кўргазма-савдо расталарини (дўконларини), шунингдек, ипакдан тикилган либослар ва ипак буюмларнинг мода кўргазмаларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллий ипак маҳсулотларининг ташқи бозорларга етказиб берилишидаги мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ва унинг замонавий илмий лабораториясини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ миқдор ва манбаларини белгилаган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда вилоятда инновацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсиф тутзорлар барпо қилиш, сифатли ипак қурти уруғи етиштириш, замонавий ипак қуртини боқиш иншоотларини қуриш асосида пилла етиштириш ва уни қайта ишлашнинг намунавий тизимини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда жойларда тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш натижасида зарар етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 декабрь,
ПҚ-4047-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги
ПҚ-4047-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон қарорида:

а) 1-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи хатбошилари тегишлича иккинчи — тўртинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

б) 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Маълумот учун қабул қилинсинки, пиллачилик тармоғи ташкилотлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг муассислари ҳисобланади»;

в) 5-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ижро этувчи аппаратининг жорий таъминоти ва фаолиятини молиялаштириш унинг таркибига шартнома асосида қирувчи пиллачилик тармоғи ташкилотларининг ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади»;

г) 6-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва «Ипаксаноат» минтақавий жамиятларини» сўзлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1-иловасидан рус тилидаги матнда «ООО «Жанубипаксаноат», «ООО «Шимолипаксаноат», «ООО «Марказипаксаноат», «ООО «Водийипаксаноат», «ООО «Тошкентипаксаноат» блоклар чиқариб ташлансин;

е) 3-иловаси рус тилидаги матнда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ё) 4-иловасининг номланишидан рус тилидаги матнда «и региональных обществ «Ипаксаноат» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 январдаги ПҚ-3472-сон қарорининг 12-бандида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳамда «Ипаксаноат» минтақавий жамиятларини» сўзлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмасини» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**935 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-тиббий хизмат фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилаш, суд-тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий диагностика ускуналари ва реагентлар билан жиҳозлаш, суд-тиббий экспертизалар ўтказиш сифати ҳамда ишончлилигини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳа бўйича жойлардаги ҳақиқий аҳвол таҳлили суд-тиббий хизматнинг самарали фаолиятига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан:

биринчидан, суд-тиббий хизматни бошқариш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди ва бу ҳудудий бюроларни бошқаришда катта қийинчиликларга ҳамда молиявий манбаларнинг номутаносиб тақсимланишига сабаб бўлмоқда;

иккинчидан, фундаментал ва амалий ген-молекуляр, шу жумладан, шахсни биологик материал асосида идентификациялаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун зарур ускуналар мавжуд эмас;

учинчидан, суд-тиббий хизмат бўлинмалари мархумлар жасадини улар илк топилган жойдан суд-тиббий хизмат биносига олиб келиш учун махсус автотранспорт воситаси билан таъминланмаган;

тўртинчидан, суд-тиббий хизмат муассасалари илмий салоҳиятининг паст даражаси суд экспертизаси соҳасидаги фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар ривожига тўсқинлик қилмоқда;

бешинчидан, экспертлик фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш лозим даражада амалга оширилмаяпти, эксперт лабораторияларни замонавий эксперт ускуналари билан жиҳозлашда технологик оқсоқлик мавжуд;

олтинчидан, суд-тиббий экспертизаларнинг бугунги ҳолати сифат менежменти ва стандартлаштиришнинг халқаро талабларига жавоб бермайди ва бу тадқиқотларнинг сифатини ошириш ҳамда эксперт хатоларининг олдини олишга ёрдам бермаяпти.

Мавжуд муаммо ва камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Суд-тиббий экспертиза бош бюроси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти устидан назорат етарли эмаслигига вазирлик раҳбариятининг эътибори қаратилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 декабрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Суд-тиббий экспертиза бош бюросини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил этиш;

Марказнинг амалдаги штатлар сонини унинг таъминоти учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида мақбуллаштириш ҳисобига Марказнинг Тошкент шаҳар филиалини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизматини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Марказ ва унинг ҳудудий филиалларини замонавий тиббий жиҳозлар ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш, шунингдек, ҳудудий филиалларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

илмий тадқиқотлар натижаларини суд-экспертиза фаолиятига татбиқ қилиш, суд экспертизаларини ўтказиш услубларини такомиллаштириш, суд-экспертиза муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

бошқа муассасаларнинг кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича илмий-маърифий фаолиятини ташкил этишда методик кўмаклашиш;

суд-тиббий экспертиза фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан жорий этиш;

соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

4. Белгилансинки:

Марказ давлат муассасаси мақомидаги юридик шахс бўлиб, ўз номи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрга эга бўлади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертизалари Марказнинг ҳудудий филиаллари ҳисобланади ва ўз фаолиятида Марказга бўйсунди;

Марказга Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Марказнинг ҳудудий филиаллари бошлиқлари Марказ директори тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

хар йили Давлат бюджетидан «Соғлиқни сақлаш» соҳаси бўйича ажратиладиган маблағлар, юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар, шунингдек, қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда Марказ директори

томонидан тасдиқланадиган рўйхат ва нархлар бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини бериш;

Марказга кўрсатилган пуллик хизматлардан тушган маблағларнинг 50 фоизигача бўлган қисмини Марказ ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини молиялаштириш учун Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш ҳуқуқини бериш;

марҳумлар жасадини ташиш функциясини Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам хизмати ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг ҳудудий филиалларидан марҳумлар жасадини ташиш бўйича санитарлар штат бирликлари билан бирга Марказ ва унинг ҳудудий филиалларига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда Марказ ҳудудий филиаллари биноларининг намунавий лойиҳаларини суд-тиббий экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Марказнинг Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ҳудудий филиаллари биносини намунавий лойиҳа асосида қуриш, шунингдек, Марказнинг бошқа ҳудудий филиаллари биносини реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда Марказнинг умумий штат бирликлари ва унинг таъминоти учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида Олмазор, Сергели, Юнусобод ва Яшнобод туманлараро суд-тиббий экспертиза пунктларини очиш ва фаолиятини ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиланган тартибда:

бир ой муддатда Марказнинг устави, низоми ва тузилмасини, ҳудудий филиалларнинг намунавий тузилмаси ва низомини тасдиқласин;

уч ой муддатда суд-тиббий экспертиза хизмати муассасаларининг штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Марказ ва унинг ҳудудий филиалларини замонавий ускуналар ва инвентарлар, шу жумладан, 1-иловага* мувофиқ тақсимлаган ҳолда марҳумлар жасадини ташиш учун автотранспорт воситалари билан таъминлаш учун халқаро молиявий институтлар, ташкилотлар ва хорижий донор-мамлакатларнинг маблағларини жалб қилиш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникациялари-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Марказ ва унинг ҳудудий филиалларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шу жумладан, уларни энг янги компьютер техникаси билан жиҳозлаш, эксперт муассасалари ва суд-тергов органлари ўртасида электрон ҳужжат айланиш тизимини шакллантириш, шунингдек, унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, суд-тиббий хизмат фаолияти соҳасида электрон маълумотлар базасини яратишни таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Марказ ҳамда унинг ҳудудий филиаллари кадрлар таркибини мустақкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизматининг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгардир.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликда белгиланган тартибда Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари майдонини идоравий қўриқлаш билан таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари мутахассисларини ушбу соҳага ихтисослашган етакчи хорижий марказлар ва муассасаларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шунингдек, етакчи хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда семинар-тренинглар ва маҳорат дарслари ташкил этилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида «Соғлиқни сақлаш» соҳаси бўйича кўзда тутиладиган маблағлар доирасида ушбу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

14. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга — ушбу қарорга мувофиқ юклатиладиган вазифаларни тўлиқ ва лозим даражада бажарилиши бўйича вазирлик ва идоралар ишини самарали мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмоновга — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизматининг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган барча тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, шунингдек, ажратилган маблағлардан ўз вақтида, тўғри ва мақсадли фойдаланилиши устидан самарали назорат ўрнатсин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Марказ ва унинг Тошкент шаҳар филиали Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шифокорлар кўчаси, 2-7 М-уйи манзилига жойлаштирилсин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 декабрь,
ПҚ-4049-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

936 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ва унинг ҳудудий органларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда, Вазирликнинг органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

демографик ўзгаришлар ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш истикболларини прогнозлаш, аҳолининг саломатлиги ва касалланиши ҳолатини комплекс таҳлил қилиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 декабрда эълон қилинган.

жамоат соғлиғини сақлаш устуворлиғини, касалликларни профилактика қилиш ва олдини олиш, патронаж хизмати ва фуқароларни уйма-уй юриб кўриб чиқиш, аҳолини соғлом турмуш тарзини кечиришга ундаш, уларнинг тиббий саводхонлиғини ошириш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидагилар соғлиғини муҳофаза қилишга масъулият руҳида тарбиялашни таъминлаш;

соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, ҳаёт сифати ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг соғлиғини сақлаш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

ҳам тиббий ёрдамни хизмат кўрсатилаётган аҳолига яқинлаштириш, ҳам ахборот технологияларини (телетиббиёт), медицина стандартларини, протоколлар ва тавсияларни кенг миқёсда жорий этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтақавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимларига бериш орқали аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитар, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифати, оммабоплиги ва тезкорлиғини ошириш;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, уларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат этилган асбоб-ускуналарни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш;

ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини такомиллаштириш, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, даволанишнинг замонавий услубларини қамраб олиш ва қўллаш йўли билан тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

тиббий таълим муассасалари, олий ўқув юртдан кейинги таълим ва соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш устидан услубий раҳбарликни таъминлаш орқали тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини уйғунлаштириш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлиғини ошириш, соғлиқни сақлаш амалиётига фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этиш;

соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-услубий раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган, замонавий, халқаро амалиётда синалган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усулларини жорий қилиш.

2. Соғлиқни сақлашда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширишни таъминлаш мақсадида белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири қўйидагиларга шахсан масъулдир:

фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида ривожланиш давлат дастур-

ларини амалга ошириш, касалликларни профилактика, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий ёндашувларни, стандартларни ва нормативларни, шунингдек, бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг тиббий маданиятини ошириш;

тиббий ташкилотлар менежменти кўникмасига ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ҳар томонлама ривожланган мутахассисларни жалб қилишга қаратилган бошқарув кадрларини тайёрлаш, танлаб олиш ва жой-жойига қўйишнинг мутлақо янги тизимини яратиш;

Вазирлик ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органларининг ишини самарали ташкил этиш, тиббиёт ташкилотларини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, уларнинг фаолияти очиқлигини ва аҳоли билан тўғридан-тўғри манзилли мулоқот ўрнатишини таъминлаш, фуқароларнинг тиббий хизмат кўрсатиш сифатидан қаноатланганлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини татбиқ этиш;

тиббий таълим ва тиббиёт фанини ривожлантириш, инновация ва «электрон соғлиқни сақлаш» тизимини татбиқ этиш, мажбурий тиббий суғурта дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, тиббий туризм ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

аҳоли ва тиббиёт ташкилотлари эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини шакллантириш ва ўз вақтида янгилаш;

б) ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари раҳбарлари қуйидагиларга шахсан масъулдир:

тиббий ва тиббий-ижтимоий ташкилотларнинг ҳудудий тармоқлари фаолиятини самарали ташкил этиш, бирламчи тиббий-санитария, ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдамнинг сифати ва оммабоплиги, идоравий бўйсунувидаги ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги таъминланишини назорат қилиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида ривожланиш ҳудудий дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, тиббиёт ташкилотларини ва аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан узлуксиз таъминлаш, тиббий ва маҳсус техниканинг самарали ишлаши ва ўз вақтида янгилиниши;

тиббий ёрдамни босқичма-босқич ва изчиллик принципи асосида уларнинг оқимларини оқилона ва асосли маршрутлаш йўли билан беморларни турли даражадаги (турдаги) тиббиёт ташкилотларига йўналтиришнинг холис тизимини ташкил этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаролар ҳуқуқига риоя қилиш назоратини таъминлаш, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларига сифат менежменти тизимини татбиқ этиш;

соғлиқни сақлаш муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни амалга ошириш;

в) туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари қуйидагиларга шахсан масъулдир:

оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, касалликлар

профилактикаси, диспансеризация, патронаж ва уйма-уй юриш бўйича тадбирларни самарали амалга ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва фуқароларнинг ўз соғлиғига масъуллигини ошириш;

тиббий хизмат изчиллигини ва бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг туман (шаҳар) ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотлари билан яқиндан ўзаро алоқасини таъминлаш;

давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, пуллик тиббий хизматни амалга ошириш, соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун ўз манбаларини шакллантириш;

соғлиқни сақлаш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида тадбирларнинг манзиллилиги ва натижадорлигини ошириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиш;

тасарруфидаги ташкилотлардаги бино ва иншоотлар, ускуналар, тиббий техника ва бошқа моддий қийматликларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш.

3. Вазирликнинг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Хусусийлаштириш ва пуллик хизматларни ташкил қилиш марказини, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг хусусийлаштириш ва пуллик хизматларни ташкил қилиш бўлимларини;

«Ўзмединфо» электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш марказини тугатиш;

б) Вазирлик тузилмасида Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризمنى ривожлантириш бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Бош бошқарма) ва унинг ҳудудий бўлимларини ҳамда давлат унитар корхонаси шаклида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш.

4. Белгилансинки:

а) Бош бошқарма бошлиғи ва Марказ директори Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари бошқарма бошлиғининг тақдимномалари бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Бош бошқарманинг ҳудудий бўлимлари ўз фаолиятида Бош бошқарма бошлиғига бўйсунди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари томонидан мувофиқлаштирилиб борилади;

Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимларини молиявий таъминлаш Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

б) қуйидагилар мазкур қарорнинг 3-бандига мувофиқ тугатилаётган ташкилотларнинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги — Хусусийлаштириш ва пуллик хизматларни ташкил қилиш маркази ҳамда «Ўзмединфо» электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш маркази ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси — Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тегишлича хусусийлаштириш ва пуллик хизматларни ташкил қилиш бўлимлари ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича.

5. Вазирлик икки ой муддатда янги ташкил этилаётган бўлинмаларни назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга, топширилган вазифаларни профессионал даражада таъминлайдиган юқори малакали мутахассислар билан тўлдирсин.

6. Қуйидагилар:

а) Бош бошқарманинг асосий вазифалари этиб:

вазирлик ва унинг ҳудудий органлари таркибий бўлинмалари билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилма лойиҳаларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

тиббиёт ташкилотларининг мол-мулкани, шу жумладан, ер участкаларини муомалага киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш, давлат-хусусий шериклик асосида инвестицияларни жалб этиш;

махаллий тиббиёт ташкилотларининг тиббий туризм салоҳиятини тубдан оширишга йўналтирилган кириш тиббиёт туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

вазирликнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда кириш тиббиёт туризмни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, хорижий инвестицияларни, шунингдек, тиббиёт ташкилотларининг сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришда халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларининг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

давлат тиббиёт муассасаларида пуллик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш, уларнинг номенклатураси ва ҳажмларини кенгайтириш.

б) Марказнинг асосий вазифалари этиб:

ахборот тизимлари, ресурслар ва соғлиқни сақлаш миллий маълумотлар базаларини яратиш, ривожлантириш ва кузатиб бориш бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

корпоратив тармоқларни яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, Вазирликнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

Вазирликнинг ахборот хавфсизлиги таҳдидларини ўз вақтида аниқлаш ва унга қарши курашиш, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш, ахборот тизимлари, ре-

сурслари ва маълумотлар базаларини муҳофаза қилиш бўйича техник инфратузилмани татбиқ этиш ва ривожлантириш;

«электрон соғлиқни сақлаш» норматив ва норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш, интеграциялашган ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш;

тиббиёт ташкилотларида ахборот тизимлари, илғор ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва кузатиб боришга кўмаклашиш;

вазирликнинг ахборот тизимлари, ресурс ва маълумотлар базасини ривожлантириш, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

вазирлик ходимларининг ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базасидан фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида малакасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилансин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 — 5-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш бошқарув органлари ходимларининг чекланган сони 518 нафар, шу жумладан, Вазирликнинг марказий аппарати ходимларининг сони 127 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий органлари тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари, шунингдек, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари бош шифокорлари, ҳудудий тиббий диагностика марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинладилар ва лавозимдан озод этиладилар.

9. Вазирликнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари бўйича жаҳон амалиётида қўлланиладиган воситалардан фойдаланган ҳолда соғлиқни сақлаш ҳисобларининг миллий тизимини татбиқ этиш бўйича таклифига розилик берилсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар муддатда соғлиқни сақлаш ҳисобла-

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рининг миллий тизимини институтлаштириш ва тиббий хизмат кўрсатишда фойдаланилган хизматлар ва харажатлар ҳақидаги маълумотларни идоралар-аро тўплаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига асосан 2019 йил давомида «Саломатлик-3» лойиҳаси маблағлари ҳисобидан уй-жой хўжалиги доирасида аҳолининг тиббий харажатлари бўйича ўрганишлар ўтказсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.А. Абдуҳақимов) уч ой муддатда тиббий ёрдам ва тиббий-ижтимоий хизмат сифатини назорат қилишни кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида, шу жумладан, алоҳида давлат органини ташкил этиш масаласини кўриб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг розилигисиз давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг ер участкалари ва кўчмас мулклари бегоналаштирилиши тақиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Вазирликнинг Тошкент шаҳар, А. Навоий кўчаси, 12-уйда жойлашган биносини реконструкция қилишни Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги ривожлантириш Давлат дастурига киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Вазирлик ходимларини унинг биноси реконструкция қилиниши даврида вақтинча жойлаштириш учун бино ажратилиши бўйича чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги «Соғлиқни сақлаш органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3052-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Вазирлик Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 декабрь,
ПҚ–4055-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

937 Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3127-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатларини ҳамда махсус мосламалардан фойдаланишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Низом 14-бандининг иккинчи ва бешинчи хатбошилари, 18-бандининг тўртинчи хатбоши 2019 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 декабрь,
975-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарорига
ИЛОВА

**Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати
қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус
мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

йўл ҳаракати — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

йўл ҳаракати қатнашчиси — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс;

йўл-патруль хизмати ходими — йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатини назорат қилиш, бошқариш ва тартибга солиш ваколати берилган ички ишлар органи ходими;

йўл-транспорт ҳодисаси — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш — йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият;

махсус мосламалар — махсус автоматлаштирилган аудио, фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёки кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар;

махсус тадбирлар — йўл ҳаракати қатнашчилари томонидан йўл транспорт ҳодисалари ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга доир, комплекс вазифаларни бажаришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари, ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқарма (бўлим, бўлинма)ларининг раҳбарлари томонидан тасдиқланган ёки ўзаро келишилган режа асосида йўл-патруль хизмати (кейинги ўринларда ЙПХ деб аталади) ходимлари, шунингдек, давлат бошқа органларининг вакиллари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳаракатлар мажмуи;

таъқиб қилиш — жиноят содир этилганликда гумон қилинаётган шахс-

лар бўлган транспорт воситаси ҳайдовчиси ЙПХ ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабини бажармаганда, транспорт воситасининг ҳаракати-га чек қўйиш ҳамда гумонланувчини ушлаш мақсадида транспорт воситасининг орқасидан қувиш;

кузатиш — маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар бўлган ўз ҳаракатлари билан бошқа ҳаракат қатнашчилари ҳаёти (соғлиғи)га хавф солаётган транспорт воситаси ҳайдовчиси ЙПХ ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабини бажармаганда тўхтатиш мақсадида орқасидан бо-риш.

3. Мазкур Низом талаблари ҳарбий автомобиль инспекцияси ходимла-ри ҳамда Қуролли Кучлар ва Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

4. ЙПХ ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конс-титутцияси, «Ички ишлар органлари тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизли-ги тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳ-камасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишлари, шунингдек, ушбу Низом-га амал қилади.

5. ЙПХ ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муно-сабатлари қонунийлик, одиллик, ошкоралик, тенглик, айб учун жавобгар-ликнинг муқаррарлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қону-ний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

2-боб. Йўл-патруль хизмати ходими томонидан транспорт воситасини тўхтатиш асослари ва тартиби

6. ЙПХ ходими томонидан транспорт воситалари қўйдаги асосларга кўра тўхтатилиши мумкин:

ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг (кейинги ўринларда қоидалар деб аталади) бузилиши визуал кузатувда аниқланганда ёки мах-сус мослама ёрдамида қайд қилинганда;

транспорт воситаси, ҳайдовчи ёки йўловчи қидирувда эканлиги, йўл транспорт ҳодисаси ёки бошқа ҳуқуқбузарликка алоқадор эканлиги тўғри-сида маълумотлар мавжуд бўлганда;

йўл транспорт ҳодисаси, ҳуқуқбузарлик содир этилганини кўрган ҳай-довчи ёки йўловчидан ходиса тафсилотига оидинлик киритиш зарурати юзага келганда;

ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш бўйича кўрсатмаларини бажариш жараёнида;

транспорт воситасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фой-даланиш зарурати юзага келганда (чет давлатларнинг дипломатик, консул-

лик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарига, халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари бундан мустасно);

махсус тадбирларни ўтказиш жараёнида;

транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи, шунингдек, транспорт воситаси ва олиб кетилаётган юкларга оид ҳужжатлар мавжудлигини текшириш учун (махсус ва ҳарбий юклар, божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, божхона хизмат томонидан пломбаланган юклар бундан мустасно).

ЙПХ ходими томонидан бошқа асосларга кўра транспорт воситаларининг тўхтатилиши тақиқланади.

7. ЙПХ ходимларининг ишоралари йўл ҳаракати қатнашчиларига тушунарли бўлиши ва ўз вақтида берилиши лозим.

8. ЙПХ ходими томонидан транспорт воситаси ҳужжатларни текшириш учун тўхтатилганда, фақат ушбу ҳужжатларни текшириш жараёнида аниқланган қоидалар бузилиши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чора кўрилади.

Қоидалар бузилиши визуал кузатув ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда, ЙПХ ходими ҳайдовчига дастлаб айнан содир этган қоидалар бузилишини тушунтириб, шундан сўнг ҳужжатларни текшириб, тегишли чоралар кўради.

9. Транспорт воситаси тўхтатилганида ҳайдовчи ЙПХ ходими айнан тўхтатилган ҳудудда дислокацияга асосан хизмат ўтаётганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги тасдиқланган дислокациянинг кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиши мумкин.

ЙПХ ходимининг дислокацияси ушбу ходим хизмат олиб бораётган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (кейинги ўринларда ДЙҲХХ деб аталади) саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғида сақланади ва ҳайдовчининг мурожаатига биноан ўн беш кун ичида ёзма равишда маълумот берилади.

10. Махсус тадбирларни ўтказиш жараёнида ЙПХ ходими томонидан транспорт воситаси тўхтатилганда, йўл ҳаракати қатнашчисига махсус тадбирнинг айнан нима мақсадда ўтказилаётганлиги ҳамда тўхтатиш сабаби ҳақида тушунтириш берилади.

11. Йўл ҳаракати қатнашчиси махсус тадбирларни ҳақиқатда тасдиқланган режа асосида ўтказилаётганлиги ҳақида марказий ахборот-диспетчерлик хизмати (кейинги ўринларда МАДХ деб аталади) — ахборот-диспетчерлик хизматига (кейинги ўринларда АДХ деб аталади) телефон қилиш ёки ушбу ходим хизмат олиб бораётган ДЙҲХХ саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғига мурожаат қилиш орқали маълумот олиши мумкин. Бунда ЙПХ ходими йўл ҳаракати қатнашчисининг талабига кўра, МАДХ–АДХнинг телефон рақами ҳақида маълумот беради.

Йўл ҳаракати қатнашчисига махсус тадбирларнинг ўтказилиш мақсади, транспорт воситасини тўхтатган ЙПХ ходими махсус тадбирда иштирок этган

ёки этмаганлиги, транспорт воситаси тўхтатилган ҳудудда махсус тадбир ўтказилганлиги ҳақида маълумот берилади. Махсус тадбирнинг шартли номланиши, тўлиқ моҳияти ҳамда кўлами ҳақида маълумот, шунингдек, махсус тадбирнинг ўтказилишига асос бўлган ҳужжатлар кўрсатилмайди, улардан нусхалар берилмайди.

Йўл ҳаракати қатнашчиси уни тўхтатган ЙПХ ходими хизмат олиб бораётган ДЙХХ саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғига мурожаат қилганда, мурожаат муаллифига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда асослантирилган жавоб хати берилади.

3-боб. Йўл-патруль хизмати ходимининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. ЙПХ ходими ўз хизмат вазифаларини бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган асосларга кўра транспорт воситасини тўхтатиш, ундан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, транспорт воситасига, шунингдек, ташилаётган юкларга оид ҳужжатларни текшириш;

ҳайдовчи ёки юкни кузатиб бораётган шахс билан биргаликда транспорт воситасини ва юкларни ташқи кўздан кечириш;

йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳужжатларини текшириш мақсадида электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш;

йўл транспорт ходисаси ва бошқа ҳуқуқбузарлик содир этилганлигининг гувоҳи бўлган йўл ҳаракати қатнашчиларини аниқлаш;

ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш (чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарга, халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари бундан мустасно);

транспорт воситасининг двигатель ва агрегат қисмларининг рақамларини рўйхатлаш ҳужжатларида ёзилган рақамлар билан ҳайдовчининг бевоcита иштирокида солиштириш (ҳайдовчининг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно);

транспорт воситасини таъқиб қилиш ёки кузатиш;

жиноят содир этганлиги учун айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган ҳамда қидирувда бўлган шахсларни ушлаб туриш;

жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни, транспорт воситасида ҳуқуқбузарлик содир этиб ҳодиса жойидан яширинган, ЙПХ ходимининг қонуний талабига бўйсунмаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда МЖТК деб аталади) 291-моддаси биринчи қисмининг «а» бандига кўра, транспорт воситасининг ҳайдовчиси ушбу Кодекс 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125¹-моддасининг иккинчи қисмида, 126-моддаси-

да, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128⁶-моддасида (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса), 131, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137, 176³-моддаларида, 194-моддасида (ички ишлар органи ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганда, шу билан бирга, қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолатларда транспорт воситаларини ушлаб туриш;

алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда (кейинги ўринларда — маст ҳолда деб аталади) бўлган, транспорт воситасини бошқариш учун тегишли ҳужжатлари бўлмаган, рухий ҳолати ёки соғлиғи транспорт воситасини бошқаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган, носоз транспорт воситасини бошқараётган шахсларни, шунингдек, МЖТК 291-моддаси биринчи қисмининг «а» бандида назарда тутилган ҳолатларда транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини олиб қўйиш, транспорт воситасини сақлаб турадиган махсус ажратилган жойга қўйиш учун олиб борилишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш.

ЙПХ ходимлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Қўйидаги ҳолларда ЙПХ ходими ҳайдовчи ёки йўловчилардан транспорт воситаси кабинасидан чиқишини талаб қилишга ҳақли:

транспорт воситасидаги техник носозликни ва юк ташиш қоидаси бузилганлигини бартараф этиш мақсадида;

ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқараётган деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлганда;

транспорт воситасининг двигатель ва агрегат қисмлари рақамларини рўйхатлаш ҳужжатларида ёзилган рақамлар билан фарқ аниқланган тақдирда бевосита ҳайдовчи иштирокида солиштириш мақсадида;

транспорт воситасига тегишли ҳужжатлар ёки унда олиб кетилаётган юк ҳужжатлари мавжудлигини текшириш зарурати юзага келганда;

ҳайдовчи ёки йўловчи жиноят содир этганликда гумон қилинаётганда;

ҳайдовчининг транспорт воситаси кабинасида бўлиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолларда (ҳайдовчининг рухий ҳолатига, ёшига, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори воситалари таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида, транспорт воситасини бошқара олишига шубҳа бўлганда).

Жисмоний нуқсонни сабабли ҳайдовчининг транспорт воситаси кабинасидан чиқиш имконияти чекланган ҳолатлар бундан мустасно.

14. ЙПХ ходими ўз хизмат вазифаларини бажаришда қўйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини мобилъ видеокамерадан фойдаланган ҳолда ошқора олиб бориш;

визуал кузатув ҳамда махсус мосламалардан фойдаланган ҳолда қоидалар бузилганлигини аниқлаш;

йўл ҳаракати қатнашчисини тўхтатганидан кейин унинг олдига бориш, ўзини таништириш, лавозими, унвони, фамилияси ҳақида маълумот бериш, унинг талабига кўра кўкрак нишон белгисини маълум қилиш ва хизмат гувоҳномасини очиқ ҳолда (бунда ЙПХ ходими томонидан хизмат гувоҳномасини йўл қатнашчиси ихтиёрига бериш тақиқланади) кўрсатиш;

йўл ҳаракати қатнашчиларига мобилъ видеокамерадан фойдаланаётганини маълум қилиш ва келгусида ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этса, айбини исботлаш учун видео ёзувдан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш;

ҳар қандай вазиятда йўл ҳаракати қатнашчилари билан вазмин, хушмуомала, одобли ва эътиборли бўлиш, уларга ҳурмат билан ҳамда «Сиз» деб муурожаат қилиш, йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда муомала маданияти ва қонунийликка риоя қилиш;

йўл ҳаракати қатнашчиларига уларни тўхтатиш сабабини, содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан аниқ, лўнда тушунтириш бериш;

ҳайдовчини маст ҳолда деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказиш, ҳайдовчи мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширув ўтказилишидан бўйин товлаган тақдирда МЖТКнинг 136-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий баённома расмийлаштириш;

белгиланган тартибда берилган кўрсатмага асосан йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатини чеклаш ёки тақиқлаш;

қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштириш чоғида унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида тегишли чораларни кўриш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш;

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далиллар йўқотилиши ёки йўқ қилинишининг олдини олиш мақсадида ҳодиса жойини ўраб олиш чораларини кўриш;

ҳуқуқбузарликдан ёки бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга, ҳаёти (соғлиғи) ҳавф остида қолган шахсларга, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳамда йўл транспорт ҳодисаси оқибатида шикастланган транспорт воситаларини белгиланган жойга олиб боришда фуқароларга ёрдам кўрсатиш;

ўзига хизмат юзасидан бириктирилган транспорт воситаси, кўкрак нишон белгиси, алоқа воситаси ва махсус мосламаларни яроқли ҳолатда сақлаши, улардан фақат хизмат фаолиятида мақсадли фойдаланиш;

рухсат этилмаган, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган махсус мосламалардан фойдаланмаслик;

белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириб, қоидаларни бузган ҳайдовчини махсус мосламанинг кўрсаткичлари билан таништириш, унинг талабига кўра мосламанинг қиёслаш сертификатини кўрсатиш;

жисмоний куч ишлатилгани ва махсус воситалар қўлланигани натижасида жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига, уларнинг, шу жумладан, юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек, ўқотар қурол қўлланилган барча ҳолатлар тўғрисида ўзининг бевосита бошлиғи ҳамда назорат қилувчи прокурорга дарҳол хабар бериш;

йўл ҳаракати қатнашчиларига юқори турувчи орган (мансабдор шахс) ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтириш.

ЙПХ ходими қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

15. ЙПХ ходимининг мобиль видеокамерадан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

16. ЙПХ ходими томонидан йўл ҳаракати қатнашчисини асоссиз тўхта-тиб туриш тақиқланади.

17. ЙПХ ходими йўл ҳаракати қатнашчисини тўхтатганда ёки у томонидан содир этилган қоидалар бузилишини расмийлаштириш жараёнида ҳолатга дахлдор бўлмаган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатга эга бўлмаган шахсларга қоидалар бузилишини расмийлаштириш юзасидан тушунтириш беришга мажбур эмас.

4-боб. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-патруль хизмати ходимлари билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Йўл ҳаракати қатнашчилари ЙПХ ходимлари билан ўзаро муносабатларда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ЙПХ ходими томонидан тўхтатиш асосларини, қоидаларнинг қайси банди (бандлари)ни бузганлиги тўғрисида тушунтириш берилишини талаб қилиш;

транспорт воситасини тўхтатган ЙПХ ходимидан ўзини таништиришини, хизмат гувоҳномасини кўрсатишини ва кўкрак нишон белгисини маълум қилишини талаб қилиш;

хизматни мобиль видеокамерасиз олиб бораётган ЙПХ ходимига ҳужжатларни тақдим этмаслик;

ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурилмага қайд қилиш (ЙПХ ходими томонидан фото ва видео тасвирга олиш тақиқланган белги мавжуд ҳудудларда хизмат олиб бориш ҳолатлари бундан мустасно);

мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари транспорт воситаси кабинасидан чиқмасдан, ЙПХ ходими билан ўзаро муносабатга киришиш;

содир этган қоидабузарлиги қайд этилган махсус мослама натижалари билан танишиш;

хуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган махсус воситаларнинг қиёслаш сертификатларини кўрсатишни талаб қилиш;

хуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтиришлар бериш;

асоссиз тўхтатиб турилмаслигини талаб қилиш;

ЙПХ ходими томонидан транспорт воситасини ёки ундаги юкни ташқи кўздан кечириш жараёнида иштирок этиш;

ўзи тўхтатилган ҳудудда ЙПХ ходими хизмат олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги дислокация кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиш ёки махсус тадбирлар ўтказилаётганлиги ҳақида МАДХ — АДХдан маълумот олиш;

хуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштирилганидан сўнг ЙПХ ходимининг дислокацияси сақланаётган саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғидан дислокация ҳақида ёзма маълумот беришни талаб қилиш;

ўзига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан ўз ҳисобидан нусха кўчириш ёки уларни фотосуратга олиш;

ЙПХ ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, расмийлаштирилган хуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома ҳамда чиқарилган қарор ус-тидан юкори турувчи орган (мансабдор шахс)га ёки судга шикоят қилиш;

ўзи гувоҳи бўлган ҳодиса ҳақида ЙПХ ходимига ҳаққоний маълумотни баён қилиш.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Йўл ҳаракати қатнашчилари ЙПХ ходимлари билан ўзаро муносабатларда қуйидагиларга мажбур:

ЙПХ ходимининг қонуний талабларига бўйсунитиши ва уларни бажариш;

транспорт воситасини бошқаришда белгиланган ҳужжатларни (транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, суғурта полиси, юк ҳужжатлари), шахсини тасдиқловчи (ҳайдовчи транспорт воситасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқарган ҳолларда) ҳужжатларни ЙПХ ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиш;

ЙПХ ходимига совға, моддий қимматликлар таклиф қилмаслик ёки бошқа шаклда манфаатдор этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширмаслик;

мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда хизмат гувоҳномасини кўрсатмаслик (қонун ҳужжатларида содир этган қоидабузарлиги учун маъмурий жавобгарликнинг алоҳида тартиби белгиланган шахслар бундан мустасно);

йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиси ҳамда ЙПХ ходими ўртасидаги ўзаро муносабатга халақит бермаслиги шарт.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

**5-боб. Йўл ҳаракати қатнашчилари томонидан йўл
ҳаракати қоидалари бузилганда йўл-патруль хизмати
ходимлари билан ўзаро муносабат**

20. ЙПХ ходими қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштириш чоғида шахсий адовати туфайли шахснинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартиришга ҳаракат қилишига йўл қўйилмайди.

Содир этилган ҳуқуқбузарликни енгиллаштириш ҳисобига бошқа ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш тақиқланади.

21. Йўл-ҳаракати қатнашчиси МЖТК 138-моддасининг биринчи–учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги фактига эътироз билдирмаган, унга солинадиган жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаган, жарима ўша жойнинг ўзиде тўланган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида ҳуқуқбузарга белгиланган шаклдаги квитанция берилади.

22. Башарти, йўл ҳаракати қатнашчиси ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса ёки белгиланган жаримани жойида тўлай олмаса, у ҳолда МЖТКнинг 279-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади.

23. МЖТК 138-моддасининг биринчи-учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома пиёданнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида расмийлаштирилади. Агар унинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, яқин орадаги ички ишлар органлари ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб бориб, шахсига аниқлик киритилади.

24. Маъмурий жавобгарликка тортиш учун алоҳида тартиб белгиланган шахслар томонидан махсус мосламалар орқали қоидаларнинг бузилганлиги аниқланганда, уларнинг жавобгарлик масаласи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**6-боб. Йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан хизмат
вазифаларини бажаришда махсус мосламалардан
фойдаланиш тартиби**

25. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг қоидаларга риоя этишларини назорат қилиш мақсадида махсус мосламалардан фойдаланилади.

26. ЙПХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатини назорат қилишда фойдаланиладиган махсус мосламалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувдан ўтган бўлиши лозим.

27. Транспорт воситаларининг оқими ва йўл шароитини ҳисобга олган ҳолда, кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар бириктирилган ЙПХ ходимлари томонидан уларнинг кунлик дислокацияси белгиланган ва махсус мос-

ламалардан тегишли тартибда фойдаланиш чоралари кўрилган бўлиши лозим.

28. Кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар билан ишлашга улардан фойдаланиш тартибини пухта ўзлаштирган ва қўллаш қоидалари бўйича синовдан ўтган ЙПХ ходимларига рухсат берилади.

29. Кўчма фоторадар ва мобиль комплекслардан фойдаланганда ЙПХ ходими мосламанинг кўрсаткичлари билан ҳаракат тезлигини ошириб, қоидаларни бузган ҳайдовчини таништириши, унинг талаби билан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатиши лозим.

30. ЙПХ ходимларининг патруль автомобилларида фойдаланиш белгилаб қўйилган тезликни ўлчаш мосламаларини ўзбошимчалик билан ечиб олиши ва хизматга алоқаси бўлмаган бошқа (жисмоний ва юридик) шахсларнинг транспорт воситаларига ўрнатиши ҳамда хизматни ўташга алоқадор бўлмаган фуқароларни жалб қилиши қатъиян тақиқланади.

Мазкур талабга риоя этилмаган ҳолда расмийлаштирилган баённомалар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

31. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг автоматлаштирилган (компьютерлаштирилган) бошқарув тизими (кейинги ўринларда АБТ деб аталади) таркибидаги йўл ҳаракатини назорат қилиш ҳамда видео кузатиш техник воситаларининг жойлашуви ва иш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланадиган дислокация билан белгиланади.

32. Кўчма фоторадар ва мобиль комплексларни қўллаш жойи ва вақти ДЙҲХХ саф бўлими (бўлимаси) бошлиғи томонидан тасдиқланган дислокацияга мувофиқ белгиланади.

Ҳайдовчи томонидан содир этилган қоидабузарлик кўчма фоторадар ва мобиль комплексларни қўллаш орқали аниқланганда, у мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда ЙПХ ходими дислокациясининг кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиши ёки ёзма маълумот олиши мумкин.

33. Кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар ёрдамида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларга ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўрсатилган фотосуратлар илова қилинади.

34. Қоидалар бузилишининг олдини олиш учун ЙПХ ходими патруль автомобили, махсус мосламаларни имитация қилувчи қурилмалар (макетлар, манекенлар) ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

35. Дислокацияга асосан тезликни ўлчаш воситаси билан хизматга жалб этилган ЙПХ ходими ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари масъул ходимидан тезликни ўлчаш воситасини (мобиль комплекслар бундан мустасно) ва унга тегишли сертификатни (ёки унинг нусхасини) қабул қилиб олади ва унинг бутлиги, созлиги, ўрнатилган тартибда ишлатилишига масъул ҳисобланади.

Рухсат этилмаган, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш

муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган махсус мосламалардан фойдаланиш тақиқланади.

Бунда рухсат этилмаган, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган тезликни ўлчаш воситалари асосида расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

36. ЙПХ ходими дислокацияга асосан бириктирилган ҳудудга етиб бориб, хизматини бошлашдан олдин тезлик ўлчаш мосламасини фойдаланиш учун тайёрлайди, мослама хотирасига унинг ўрнатилган жойи, ҳаракат йўналиши, юқори тезлик чекланган кўрсаткичга қўшимча беш километр фарқи билан маълумотни киритиб, хизматга киришади.

7-боб. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини қайд этиш тартиби

37. МЖТКнинг 309¹-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмасдан, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилади. Бунда ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги инобатга олинмайди.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон ҳужжатни қоғоздаги ҳужжатга айлантириш йўли билан тайёрланади ҳамда мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун муддатда буюртма почта жўнатмаси тарзида ҳуқуқбузарга юборилади.

38. Маъмурий ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори, юридик шахсга тегишли транспорт воситаларидан фойдаланиб содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қайд этилган тақдирда, юридик шахснинг транспорт воситаларидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси жавобгар бўлади.

39. Транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (олиб қочиши, ўғирлаши) натижасида транспорт воситаси эгаси (мулкдори)нинг фойдаланишида бўлмаган ҳолларда, жарима солиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиб, бундай ҳужжатлар алоҳида йиғма жилдга тикиб борилади ҳамда ушбу ҳолат аниқланган заҳоти транспорт воситасини ушлаш бўйича МАДХга

ахборот беради. МАДХ томонидан ушбу ҳолат юзасидан ҳудудий ички ишлар органларига дарҳол хабарнома юборилади.

40. Транспорт воситаси ушланган тақдирда, белгиланган шаклдаги далолатнома тузилади ҳамда жарима солиш тўғрисидаги қарор ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар транспорт воситаси махсус ажратилган сақлаш жойида ушлаб турилади, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Далолатнома уч нусхада тузилиб, биринчи нусхаси транспорт воситасини махсус ажратилган сақлаш жойида сақлашга масъул бўлган шахсда, иккинчи нусхаси ДЙҲХХ ходимида қолади, учинчи нусхаси ҳуқуқбузарга берилади.

Транспорт воситасининг махсус ажратилган сақлаш жойига олиб борилиши, ушлаб турилиши ҳамда ушлаб туриш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарори билан тасдиқланган Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

8-боб. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлар жараёнида хизматни ўташининг ўзига хос хусусиятлари

41. ЙПХ ходими ўз хизмат вазифаларини махсус аудио ва видео қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган экипировкада ошқора усулда амалга оширади. Йўлларда хизматни яширин олиб бориш тақиқланади.

ЙПХ ходимининг махсус аудио ва видео қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

42. ЙПХ ходими томонидан ўзига бириктирилган ҳудуд дислокациясидан ташқарида қоидабузарликлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштириш тақиқланади.

Йўл транспорт ходисалари, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи, авария ҳолатини юзага келтириши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланганда, ЙПХ ходими томонидан ўзига бириктирилган ҳудуд дислокациясидан ташқарида ҳам ушбу қоидабузарликлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилиши мумкин. Бунда мазкур ҳолатлар юзасидан ДЙҲХХ саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғи томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, натижасига кўра ЙПХ ходимининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилади.

ЙПХ ходими томонидан ўзига бириктирилган ҳудуд дислокациясидан ташқарида расмийлаштирилган баённомалар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди, мазкур банднинг иккинчи хатбосида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

43. Патруль автомобилида (мотоциклида), шунингдек, бошқа транспорт воситаларида йўл ҳаракати устидан назорат олиб бориш жараёнида ҳайдовчи томонидан қоидаларнинг бузилганлиги аниқланганда, мазкур транспорт воситасини тўхтатишда махсус чироқ-маёқча, овоз кучайтиргич мосламаси, қўл ёки жезл ишораларидан фойдаланилади.

Транспорт воситасини автомобиль йўлларининг кўриш чекланган қисмлари, бурилишдан олдин ва кейин, тик нишаблик ёки тик баландликлар, чорраҳалар, ер ости ўтиш жойлари олдида, темир йўл кесишмаси ҳудуди ва бошқа хавфли жойларда тўхтатиш тақиқланади, кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

44. ЙПХ ходими махсус чироқ-маёқчаси ёқилган ёхуд товушли сигналлар бериб ҳаракатланаётган ЙПХ патруль автомобиллари кузатувида бўлган жамлангани пост ёки патруллик қилиш йўналиши ҳудудидан хавфсиз ва тўсиқсиз ўтиб кетиши чораларини кўриши зарур.

45. Махсус ва тезкор хизматларга тегишли чироқ-маёқчаси ёқилган, товушли сигналлар бериб ҳаракатланаётган транспорт воситалари уларнинг ўғирланганлиги, олиб қочилганлиги ёки маст ҳолда бўлган шахслар томонидан бошқарилаётганлиги ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлган ҳоллардагина тўхтатилиши мумкин.

Махсус ва тезкор хизматларга тегишли транспорт воситалари иштирокида содир этилган йўл транспорт ҳодисаси бўйича, шунингдек, ушбу транспорт воситаси маст ҳолда бўлган ҳайдовчи томонидан бошқарилган ҳолат қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

46. ЙПХ ходими қўйидаги ҳолларда ҳуқуқбузарни яқин орадаги ички ишлар бўлимига (кейинги ўринларда ИИБ деб аталади) ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига олиб бориши мумкин:

ҳайдовчи ЙПХ ходимининг қонуний талабларига бўйсунмаган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани содир этилган жойда тузиш имкони бўлмаса;

транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш қоидалари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузарда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақида зарур маълумотлар бериш мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса.

47. Ҳуқуқбузар ИИБга олиб борилганда, ЙПХ ходими унинг шахсини аниқлаш чораларини кўради. Ҳуқуқбузарнинг шахси аниқланганда, унга нисбатан содир этган қоидабузарлиги юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилади. Ҳуқуқбузар шахсини аниқлаш имкони бўлмаганда, унинг содир этган қоидабузарлиги бўйича икки нусхада билдирги тайёрлаб, билдиргининг бир нусхасини ИИБ навбатчисига, иккинчи нусхаси эса ИИБ навбатчиси томонидан тегишли белги қўйилганидан сўнг ЙПХ ходимига топширилади.

48. Ўзининг шахсий хавфсизлиги ва ҳаракат қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш учун таъқиб қилиш ёки кузатиш вақтида ЙПХ ходими қўйидагиларга амал қилиши лозим:

патруль автомобилида махсус чироқ-маёқча ва товушли сигналлар мунтазам ёқилган ҳолатда бўлиши;

аниқ шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат тезлигини танлаши;

саф бўлим (бўлинма) ёки ИИБ навбатчисига ўзининг кетаётган жойи, қаердалиги ва ҳаракатнинг йўналиши тўғрисида маълум қилиб туриши;

йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини хушёрлик ва эҳтиёткорлик чораларини кўришлари бўйича хабардор қилиб бориши;

таъқиб қилиш ва кузатиш жараёнида транспорт воситасининг ҳаракатланишини чеклаш чораларини кўриши.

ЙПХ ходими таъқиб қилиш ёки кузатиш вақтида йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳаракатлар содир этмаслиги лозим.

49. ЙПХ ходими йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари ҳаракатига хавф туғдирадиган катта ҳажмли ва хавфли юкларни ташиш қоидалари бузилганлигини аниқлаганда, саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғидан ёки навбатчидан тегишли кўрсатма олгунга қадар, ушбу транспорт воситасини йўлнинг қатнов қисмидан четлаштириш чораларини кўриши лозим.

9-боб. Яқунловчи қоида

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****938 Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3094*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**А. ШИН**

Тошкент ш.,
2018 йил 21 ноябрь,
2-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
мактабгача таълим вазирининг 2018 йил
21 ноябрдаги 2-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мактабгача таълим муассасаси Кузатув кенгашининг (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) мақсади, вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 декабрда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат мактабгача таълим муассасаларига (бундан буён матнда муассаса деб юритилади) татбиқ этилади.

Мазкур Низом нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари учун тавсиявий хусусиятга эга.

2. Кенгаш юридик шахс ҳисобланмайди ва давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Кенгаш муассасани бошқаришда стратегик орган ҳисобланади.

3. Кенгашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

муассасанинг устувор вазифаларини белгилаш;

мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлинмаси (бундан буён матнда ҳудудий бўлинма деб юритилади) томонидан тавсия этилган номзодлар таркибидан мактабгача таълим муассасаси раҳбарини сайлаш;

муассасанинг мақсадлари ва вазифаларини ҳамда уларга эришиш режаларини тасдиқлаш;

муассасада амалга оширилиши белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши устидан назорат олиб бориш.

4. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, муассасанинг Устави ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

2-боб. Кенгашнинг вазифалари

5. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудий бўлинма томонидан тавсия этилган номзодлар таркибидан муассаса раҳбарини сайлаш, шунингдек, уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида таклифлар киритиш;

муассасани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

муассаса фаолиятини такомиллаштириш, молиявий-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет ва бюджетдан ташқари ҳамда ҳомийлик маблағларидан фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида муассаса раҳбарининг ҳисоботларини тинглаш;

муассасанинг йиллик молиявий режалари, кўрсатилаётган пуллик хизматлар нархининг миқдорлари ва муассаса мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи миқдори, шу жумладан, аукциондаги бошланғич нарх билан муассаса раҳбарининг иштирокида танишиб чиқиш ва таклифлар бериш;

муассаса раҳбари, педагог ва бошқа ходимларининг фаолияти бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш;

муассасада тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни яхшилаш бўйича ота-оналар ва жамоатчилик ташкилотлари ва ҳомийлар билан ҳамкорлик қилишда амалий ёрдам кўрсатиш;

муассасани ривожлантиришга доир устувор йўналишларни белгилаш бўйича таълим муассасаси раҳбарининг дастур ва режалари юзасидан худудий бўлинмага таклифлар киритиш;

муассасанинг ходимларини рағбатлантириш бўйича худудий бўлинмага таклифлар бериш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириши мумкин.

3-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ва таркибини шакллантириш

6. Муассасада болаларнинг сифатли таълим олишлари, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида муассаса раҳбарига қўмаклашиш учун ҳар бир муассасада Кенгаш ташкил этилади.

7. Кенгаш 11 кишидан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда тузилади. Бунда, Кенгаш таркибига муассасанинг педагоглари орасидан 2 нафар, тарбиячи ёрдамчилари орасидан 2 нафар, муассаса маъмуриятидан 1 нафар, тегишли худудий бўлинмадан 1 нафар, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар орасидан 2 нафар ҳамда ҳар бир гуруҳида тарбияланувчиларнинг ота-оналаридан камида 3 нафар, аъзо киритилади.

Кенгаш аъзоларининг сони чекланмайди.

8. Қузатув кенгаши ҳар бир гуруҳдаги тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар, педагоглар, тарбиячилар ёрдамчилари, мактабгача таълим муассасаси маъмурияти, худудий бўлинма ходимлари орасидан шакллантирилади.

9. Кенгашнинг биринчи йиғилишида иштирок этаётган аъзолар умумий сонининг оддий кўпчилик очиқ овоз бериши орқали Кенгаш раиси ва котиби сайланади. Бунда, Кенгаш раиси ва котиби Кенгаш аъзоси ҳисобланган ота-оналар орасидан сайланади.

10. Кенгаш таркиби 3 йил муддатга сайланади. Бунда Кенгаш таркиби ҳар ўқув йили бошида кўриб чиқилиши мумкин.

11. Кенгаш аъзоларини сайлашда муассасада тарбияланаётган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (улардан бири) иштирок этиши мумкин.

12. Кенгаш аъзолари муассаса тарбияланувчилари ота-оналарининг умумий йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

13. Кенгаш аъзоси этиб сайланган ота-оналарнинг фарзандлари муассасада тарбияланувчилар қаторидан чиқарилганда, кенгашнинг ушбу аъзоси кенгаш аъзолари қаторидан чиқарилади ва унинг ўрнига ота-оналар орасидан бошқа аъзо сайланади.

14. Муассаса маъмурияти ходимлари, педагоглар, тарбиячилар, тарбиячи ёрдамчилари Кенгашга яширин овоз бериш орқали сайланади ва муассаса педагогик кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

15. Кенгаш аъзолигига ҳудудий бўлинма вакили тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлинмаси буйруғи билан тайинланади.

16. Муассасанинг раҳбари ёки унинг ўринбосарлари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари Кенгаш аъзолари сифатида сайланишига йўл қўйилмайди.

17. Кенгаш аъзоси Кенгашнинг йиғилишларида сурункали 3 марта узрли сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда, у Кенгаш аъзолари таркибидан чиқарилади.

4-боб. Кенгаш йиғилишларини ташкил қилиш ва ўтказиш

18. Кенгашнинг биринчи йиғилиши муассаса раҳбари томонидан ташкиллаштирилади ва ўтказилади.

19. Кенгаш ҳар чоракда камида бир марта йиғилади.

20. Кенгаш йиғилиши баённома билан расмийлаштирилади.

21. Кенгаш йиғилишида унинг умумий аъзоларидан 60 фоизи иштирок этганда Кенгаш қарор қабул қилиши мумкин.

22. Кенгаш ўз фаолиятини дахлсизлик, ошкоралик, шаффофлилик, адолатлилик тамойилларига мувофиқ амалга оширади.

23. Кенгаш қарорлари аъзоларнинг тенг ҳуқуқчилиги асосида оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

24. Кенгаш йиғилишларига Кенгаш раиси раислик қилади.

25. Кенгаш раиси ўз ваколатини вақтинча бажариш имконияти бўлмаган ҳолларда (хизмат сафари, таътил ва касаллик даврида), унинг вазифасини бажариш Кенгаш аъзоларидан бирига вақтинча юклатилади. Бунда, муассаса ва ҳудудий бўлинма ходимларига юклатилиши мумкин эмас.

26. Кенгаш йиғилишида муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосарлари кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

27. Кенгаш йиғилишлари мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкиллаштирилиши ва ўтказилиши ҳамда ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилиши учун Кенгаш раиси масъул ҳисобланади.

28. Кенгаш йиғилиши ўтказилишидан камида 10 кун олдин йиғилиш ўтказиладиган кун, вақти, жойи ва муҳокама этиладиган масалалар ҳақида Кенгаш аъзолари хабардор қилиниши лозим. Кенгаш аъзоларини хабардор қилиш учун Кенгаш раиси масъул ҳисобланади.

29. Муассаса раҳбари Кенгаш йиғилишларини ўтказиш ва унинг ишини ташкил қилиш (ҳужжатларни расмийлаштириш ва сақлаш учун зарур бўлган хона, муассаса фаолияти билан боғлиқ маълумотлар ва канцелярия жиҳозлари) учун масъул ҳисобланади.

30. Кенгашнинг фаолияти бўйича маълумотларни ҳар чоракда муассасанинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида ёки муассасанинг барча кўриши мумкин бўлган жойига жойлаштириш тавсия этилади.

31. Кенгаш йиғилишлари ўтказилганлиги ҳақидаги баённомалар Кенгаш

йиғилиши ўтказилган кундан бошлаб 3 кундан кўп бўлмаган муддатда ҳудудий бўлинмага такдим этилиши лозим.

5-боб. Кенгашнинг ҳуқуқ ва ваколатлари

32. Кенгаш ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муассасанинг тегишли даврдаги фаолияти бўйича муассаса раҳбаридан маълумотлар сўраш ва олиш;

муассасанинг молиявий ҳисоботлари билан танишиш;

хомийлик ва хайрия маблағларининг кирим қилиниши ва сарфланиши ҳақидаги маълумотлар билан танишиш;

муассаса педагог ходимларининг шаъни, кадр-қиммати, обрўсини ҳимоя қилиш бўйича таклифлар киритиш.

6-боб. Якуний қоидалар

33. Кенгашнинг фаолиятига муассаса раҳбари, ҳудудий бўлинма, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

34. Муассасада тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналаридан турли хил сабаблар билан муассаса раҳбари, Кенгаш аъзолари ва бошқа ходимлари томонидан пул маблағларини йиғиш қатъиян тақиқланади.

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

36. Кенгаш раиси, котиби ва аъзолари жамоатчилик асосида амалга оширадиган кузатув кенгашидаги фаолияти юзасидан интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

37. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 21 ноябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

К. РАФИКОВ

2018 йил 21 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**939 Диний ташкилотлар томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3095

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 409-сон «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Диний ташкилотнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 декабрь,
537-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 3 декабрдаги
537-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Диний ташкилотнинг 20__ йилдаги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ

(Диний ташкилот (ДТ) номи)

1. ДТга тегишли солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)				
2. Қайси диний конфессияга тегишлилиги ҳақида маълумот				
3. ДТнинг реkvизитлари тўғрисида маълумот				
<i>жойлашган ери (почта манзили)</i>	<i>жойлашган ери (почта манзили)дан фойдаланиш учун асос (ўз мулкида, ижара, текинга ва бошқа асослар кўрсатилади)</i>	<i>электрон почта манзили</i>	<i>веб-сайти</i>	<i>телефон рақам(лари) (географик ёки оператор коди кўрсатилади)</i>
4. ДТ раҳбари ҳақида маълумот		Ф.И.О.		
		тугилган йили		
		асосий иш жойи		
		сайланган (тайинланган) санаси		
5. ДТ раҳбар органи — _____ нинг таркиби				
<i>(номи кўрсатилади)</i>				
<i>Ф.И.О. (дастлаб раҳбар органига раислик (раҳбарлик) қилувчи, сўнг аъзолари рўйхати кўрсатилади)</i>	<i>асосий иш жойи</i>	<i>лавозими</i>	<i>сайланган (тайинланган) санаси</i>	
6. ДТда ишловчилар ҳақида маълумот*				
жами ишловчи шахслар сони				
шундан:	асосий иш жойи бўйича ишловчи ходимлар сони			
	ўриндошлик бўйича ишловчи ходимлар сони			
	шартнома асосида маълум лойиҳа (дастур)га ёки ишни вақтинча бажариш учун жалб қилинган шахслар сони (<i>ҳисобот даври давомида</i>)			
	жамоатчилик асосида ишловчи шахслар сони (<i>ҳисобот даври давомида</i>)			
ишловчи чет эл фуқаролари сони (<i>ҳисобот даври давомида</i>)				
7. ДТ аъзоларининг сони				
<i>(ДТ уставида аъзолик назарда тутилган тақдирда кўрсатилади)</i>				
8. Ягона марказий бошқарув органи томонидан фаолияти мувофиқлаштириб ва йўналтириб бориладиган тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотлар сони (<i>мазкур банд фақат ДТнинг марказий бошқарув органлари томонидан тўлдирилади</i>)				
9. ДТ билан йил давомида ҳамкорлик қилган ташкилотлар бўйича маълумотлар				
<i>ҳамкор ташкилот номи</i>		<i>ҳамкорлик қилиш асослари (хат, шартнома, келишув, меморандум ва бошқалар мавжуд бўлган тақдирда илова қилинади)</i>		

10. ДТ аъзо бўлган халқаро, чет эл ва маҳаллий ташкилотлар бўйича маълумотлар		
<i>ташкilot номи</i>		<i>манзили</i>
11. ДТ иштирокида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари бўйича маълумот		
<i>тадбиркорлик субъектининг номи</i>	<i>тадбиркорлик субъектининг СТИРи</i>	<i>тадбиркорлик субъектида ДТнинг улуши (фоизда)</i>
12. Ҳисобот даврида тайёрланган босма, аудиовизуал ва бошқа материаллар бўйича маълумотлар		
<i>материаллар номи</i>	<i>материаллар тури</i>	<i>адади</i>
13. ДТнинг барча миллий ва хорижий валюта ҳисобварақларидаги пул маблағлари айланмаси бўйича маълумотлар (ҳар бир ҳисобварақ кесимида алоҳида устунда суммалар рақам билан кўрсатилади, ҳисобварақлар сони устунлар сонидан кўп бўлганда янги устун қўшилади)		
	Банк номи: _____, МФО: _____, миллий валюта ҳисобварақ рақами: _____, ҳисобварақ валютаси: _____.	Банк номи: _____, МФО: _____, хорижий валюта ҳисобварақ рақами: _____, ҳисобварақ валютаси: _____.
14. Ҳисобот даври бошига қолдиқ маблағ		
15. Ҳисобот даврида келиб тушган маблағлар миқдори	ДТнинг марказий бошқарув органидан (<i>марказий бошқарув органи мавжуд бўлган тақдирда</i>)	
	диний расм-русумлар ва маросимларни ўтказишдан	
	тадбиркорлик фаолиятидан	
	ноширлик фаолиятидан	
	ҳомийлардан (<i>хайр-эҳсондан</i>)	
	чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқаролари ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан	
	кириш ва аъзолик бадалларидан (<i>уставда назарда тутилган бўлса</i>)	
бошқа манбалардан (<i>турини кўрсатган ҳолда</i>)		
жами		
16. Ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлар	ходимларнинг иш ҳақига	
	асосий воситаларни (<i>хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган буюмлар, кўчмас мол-мулк, автотранспорт воситалари ва бошқаларни</i>) харид қилишга	
	солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга	
	ўтказилган тадбирларга	
	ҳомийлик фаолиятига (<i>хайр-эҳсонга</i>)	
	хизмат сафари, коммунал тўловлар, ижара ҳақи, интернет, алоқа, банк хизмати	
	бошқа харажатларга (<i>турини кўрсатган ҳолда</i>)	
жами		
17. Ҳисобот даври охирида қолдиқ маблағ		

18. ДТ томонидан ҳисобот даврида чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқаролари ёки уларнинг топширигига биноан бошқа шахслардан олинган мол-мулклар ва улардан фойдаланиши бўйича маълумот				
<i>ДТга мол-мулк ажратган юридик шахс номи ёки jismoniy шахснинг Ф.И.О.</i>	<i>мол-мулкнинг тури</i>	<i>мол-мулк суммаси</i>	<i>мол-мулкнинг тарқатилиши ёки сарфланиши йўналиши</i>	<i>тарқатилган ёки сарфланган мол-мулк суммаси</i>
19. ДТ балансида бўлган қўчмас мол-мулк(лар) ҳақида маълумот				
<i>ДТ балансида бўлган қўчмас мол-мулк(лар) номи</i>		<i>ДТ балансида бўлган қўчмас мол-мулк(лар)нинг почта манзили</i>		
20. ДТ томонидан амалга оширилган лойиҳалар (дастурлар) ҳақида маълумот				
<i>лойиҳа (дастур) номи</i>	<i>лойиҳа амалга оширилган ҳудуд номи</i>	<i>ажратилган маблағ миқдори</i>	<i>лойиҳа (дастур) юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумот (илова қилиниши мумкин)</i>	<i>донор ташкилот номи (мавжуд бўлган тақдирда)</i>
21. Ҳисобот даврида ДТ вакиллариининг ДТнинг фаолияти билан боғлиқ хорижий давлатларга сафарлари ҳақида маълумот				
<i>ДТ вакилининг Ф.И.О.</i>	<i>хорижий давлат номи</i>	<i>таклиф қилган юридик шахснинг номи ёки jismoniy шахснинг Ф.И.О. (таклиф бўйича борганда)</i>	<i>сафар мақсади</i>	<i>сафар санаси (бошланиши ва тугаши санаси кўрсатилади)</i>
22. Ўтказилган тадбирлар (конференция, семинар, тренинг, йиғилиш, акция, давра суҳбати, учрашув ва бошқа шаклларда шахсларни тўплаш) тўғрисида маълумот				
<i>тадбир мавзуси</i>	<i>тадбир ўтказилган жой</i>	<i>тадбир ўтказилган сана (кун, ой, йил)</i>		<i>тадбир иштирокчилари сони</i>
23. ДТ томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида юқоридаги бандларда кўрсатилмаган қўшимча маълумотлар (илова қилиниши мумкин)				
24. Ҳисобот даврида ДТ фаолиятида вужудга келган муаммолар (мавжуд бўлган тақдирда)				
25. ДТ фаолиятини такомиллаштириш бўйича асослан-тирилган таклифлар (мавжуд бўлган тақдирда)				

Мазкур ҳисобот шаклида келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман.

ДТ раҳбари:

_____ (имзо)

(М.Ў.)

_____ (Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

940 «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2814-1

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 октябрдаги ЎРҚ-494-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 23 июндаги 01-02/20-52-сон «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2814, 2016 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 29-сон, 356-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 ноябрь,
02-01/13-68-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

941 Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан, тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ–3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 10 июлдаги 90-сон буйруғи (рўйхат рақами 2905, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 756-модда) билан тасдиқланган Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан, тиббий техникага энг кам талабларга иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

**Вазирнинг
биринчи ўринбосари**

Б. ЮСУПАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 ноябрь,
53-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил
27 ноябрдаги 53-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш
учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва
бошқа техник воситалар, шу жумладан, тиббий техникага
энг кам талабларга киритилаётган қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 30¹-боб билан тўлдирилсин:

«30¹-боб. Халқ табобати ихтисослиги бўйича

54¹. Маслаҳат, диагностика ва консерватив даволашдан иборат бўлган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;

халқ табобати вакили учун иш столи;

стуллар;

кушетка;

муолажа хонасида стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари ёки стерилизацияни ўтказиш учун имзоланган шартнома (фаолиятида инвазив муолажалар мавжуд бўлганда);

тонометр ва фонендоскоп;

тиббиёт термометри.

54². Маслаҳат, диагностика ва консерватив даволашдан иборат бўлган стационар типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;

халқ табобати вакили учун иш столи;

ҳамширалар пости учун стол;

стуллар;

кушетка;

совиткич (холодильник);

муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари ёки стерилизацияни ўтказиш учун имзоланган шартнома (фаолиятида инвазив муолажалар мавжуд бўлганда);

каравотлар;

тонометр ва фонендоскоп;

тиббиёт термометри.».

2. Мазкур қўшимча Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2018 йил 26 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

942 Микрокредит ташкилотларида аудит текширувлари-
ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгарти-
ришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/4-сон қарори (рўйхат рақами 2379, 2012 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 341-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 ноябрь,
35/12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
10 ноябрдаги 35/12-сон қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 декабрда эълон қилинган.

ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ микрокредит ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотларни аудиторлик ташкилотлари томонидан текшириш тартибини белгилайди.».

2. 6-банддаги «уч» деган сўз «етти» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
MACKAZIЙ BAKKI BOШҚAPUVИНИНГ
ҚAPOPИ

943 Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/11-сон қарори (рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 460-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 ноябрь,
35/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 10 ноябрдаги 35/11-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит
операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банддаги «Тижорат банкларида касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)» деган сўзлар «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь),» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 59-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«59. Банкларда тўлдирилмаган янги омонат дафтарчалари қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисобланади ва улар пул омборхонасида Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) талабларига мувофиқ сақланиши лозим.»

3. 60-банднинг 7-кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 130-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 187-банддаги «Тижорат банкларида касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномада» (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) деган сўзлар «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 7-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

944 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3096

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Миллий гвардия қўмондони
генерал-лейтенант**

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 октябрь,
16-сон

**Мудофаа вазири
генерал-майор**

А. АЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 октябрь,
30-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси ва Мудофаа
вазирлигининг 2018 йил 30 октябрдаги
16, 30-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш
тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига (бундан буюн матнда Институт деб юритилади) ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Институтга ўқишга кириш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга жавоб бериши зарур.

2. Институтга ўқишга киришни хоҳлаган номзодлар ва уларнинг оналари Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2024, 2009 йил 27 октябрь) асосан мудофаа ишлари бўйича бўлимлари ҳамда ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан моддий масъуллиги тўғрисида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ёзма равишда огоҳлантирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан ҳар йилнинг 1 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига келгуси йил учун Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтига қабул қилинувчи номзодлар сони тўғрисида маълумот тақдим қилинади.

4. Мудофаа вазирлиги томонидан Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтига номзодларни дастлабки танлаш учун топшириқ мудофаа ишлари бошқармаларига тақсимланади.

5. Институтга ўқишга киришни хоҳлаган фуқаролар ўзларининг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўйича бўлимларга мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан, ҳарбий хизматчилар ўз хизмат ўташ жойига мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги билдирги билан

муружаат қилади. «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари ва Миллий гвардия Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи битирувчилари орасидан Институтга ўқишга кириш учун номзодларнинг шахсий йиғма жилдлари улар жойлашган ҳудуддаги мудофаа ишлари бўйича бўлимлари томонидан расмийлаштирилади. Қабул қилинган аризалар (билдиргилар) асосида мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ва ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар) қабул йилининг 1 февралидан 1 апрелига қадар қабул қилинади.

6. Институтга ўқишга киришни хоҳлаган номзодлар томонидан мудофаа ишлари бўйича бўлимларга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза (билдирги);

паспорт нусхаси;

туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси;

чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси нусхаси;

таржимаи ҳол (кўлда ёки компьютерда ёзилган);

номзод тўғрисидаги маълумотлар анкетаси;

ўқиш, иш, хизмат ўташ жойидан тавсифнома (агар ўқиётган, ишлаётган, хизматни ўтаётган бўлса);

ота-онасининг иш жойидан маълумотнома (агар ишлаётган бўлса);

маълумоти тўғрисидаги (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар) ҳужжатлар ҳамда рейтинг дафтарчаси (баҳолар табели) нусхаси;

олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида асли кўрсатилади);

яқин қариндошлар орасида вафот этганлар бўлса, уларнинг ўлими ҳақида гувоҳноманинг нусхаси;

3 x 4 см ўлчамдаги 6 та рангли фотосурат (бош кийимсиз ва бурчаксиз) ҳамда 4,5 x 6 см ўлчамдаги 4 та рангли фотосурат (бош кийимсиз);

номзоднинг яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар органидан судланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома (контракт бўйича ҳарбий хизматчилар мазкур маълумотномани тақдим қилиши талаб этилмайди).

Номзодлар томонидан ҳужжатларни тақдим этишда номзоднинг паспорти, туғилганлик ҳақида гувоҳномаси, чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёхуд чақирилувчининг ҳарбий гувоҳномасининг асли кўрсатилади.

7. Институтга ўқишга киришни хоҳлаган ҳарбий хизматчилар томонидан ўз хизмат ўташ жойига мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга қўшимча равишда Институтга ўқишга киришга тавсия этувчи ҳужжатлар (муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга — ҳарбий бўлинманинг умумий йиғилиши баённомасидан кўчирма, контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга эса — ҳарбий қисмнинг аттестация комиссияси йиғилиш баённомасидан кўчирма) тақдим этилади.

2-боб. Дастлабки танлаш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш

8. Дастлабки танлаш давомида қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

- хужжатларни тўплаш ва ўрганиш;
- якка тартибдаги суҳбат;
- индивидуал-психологик ўрганиш;
- умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;
- тиббий кўрик.

9. Дастлабки танлаш тадбирлари икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич фуқаро учун — яшаш жойидаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларида, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари ва Миллий гвардия Республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейи битирувчилари учун — улар жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларида, ҳарбий хизматчилар учун — ўз хизмат ўташ жойида қабул йилининг 1 февралидан 31 мартга қадар амалга оширилади.

Биринчи босқичда қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

- хужжатларни тўплаш ва ўрганиш;
- якка тартибдаги суҳбат;
- бирламчи тиббий кўрик.

Иккинчи босқич фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар учун мудофаа ишлари бўйича бошқармаларда қабул йилининг 1 апрелидан 31 майга қадар амалга оширилади.

Иккинчи босқичда қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

- индивидуал-психологик ўрганиш;
- умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;
- такрорий тиббий кўрик.

10. Дастлабки танлаш тадбирларида иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

11. Номзодларнинг хужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари дастлабки танлаш тадбирларининг биринчи босқичи якунлангунга қадар (31 мартга қадар) амалга оширилади.

12. Тегишли шакл бўйича рухсатномани келишиш учун зарур бўлган материаллар белгиланган тартибда (10 апрелга қадар) расмийлаштирилади.

13. Якка тартибдаги суҳбат фуқаро билан — туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимлар бошлиқлари томонидан, ҳарбий хизматчилар билан — ҳарбий қисмлар (муассасалар), бўлинмаларнинг командирлари (бошлиқлари) томонидан ўтказилади. Бунда якка тартибдаги суҳбат номзод ариза (билдирги) билан мурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбат натижаси бўйича мазкур Низомнинг 4-илова-сига мувофиқ шаклда якка тартибдаги суҳбат варақаси тўлдирилади.

14. Номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон

Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрик ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

15. Номзодларни бирламчи тиббий кўриқдан ўтказиш мудофаа ишлари бўйича туман (шаҳар) бўлимлари ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади ва 1 февралдан 31 мартга қадар давом этади.

16. Ҳарбий хизматчиларни бирламчи тиббий кўриқдан ўтказиш ҳарбий тиббий муассасаларнинг ҳарбий врачлик комиссиялари томонидан амалга оширилади.

17. Номзодларни такрорий тиббий кўриқдан ўтказиш мудофаа ишлари бўйича бошқармалар ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади ва 1 апрелдан 20 майга қадар давом этади, ҳарбий хизматчилар бундан мустасно.

18. Соғлиғининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган ва тиббий комиссиянинг ушбу хулосасидан норози бўлган номзодлар назорат тиббий кўриқдан вилоятлар муқобил тиббий комиссияларида 1 майдан 31 майга қадар ўтишлари мумкин.

19. Тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича соғлиғига кўра номзоднинг Институтда ўқишга яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Мазкур хулоса номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

20. Соғлиғининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган номзодлар кейинги тадбирларга қўйилмайди.

21. Номзодлар билан индивидуал-психологик ўрганиш тадбирлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида мудофаа ишлари бўйича бошқармаларда қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассис-психологлар томонидан уларни психологик тест синовидан ўтказиш йўли билан мазкур Низомнинг 5-иловасида келтирилган методикага мувофиқ 1 апрелдан 20 майга қадар ўтказилади.

22. Психологик тест синови натижалари бўйича қуйидаги хулосалардан бири чиқарилади:

дастлабки танлашнинг кейинги тадбирида иштирок этишга тавсия этилади;

дастлабки танлашнинг кейинги тадбирида иштирок этишга тавсия этилмайди.

Психологик тест синови натижалари бўйича дастлабки танлашнинг кейинги тадбирида иштирок этишга тавсия этилмаган номзодлар дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

23. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида мудофаа ишлари бўйича бошқармалар бошлиқлари белгилаган жойларда қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ методика асосида 1 апрелдан 20 майга қадар ўтказилади.

24. Умумжисмоний тайёргарлик даражаси бўйича белгиланган талабларга жавоб бермаган номзодлар дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

25. Дастлабки танлаш тадбирларидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилди тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг тегишли муҳофаа ишлари бўйича бошқармалар ва ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан 20 июнга қадар Институтга юборилади.

3-боб. Яқуний қоида

26. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг
дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____ га
(бошлиқнинг Ф.И.О.)

_____ да
(номзоднинг яшаш манзили)

яшовчи _____ дан
(номзоднинг Ф.И.О.)

Моддий масъуллик тўғрисида ОГОҲЛАНТИРИШ

Мен, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга киришга номзод, _____
(Ф.И.О.)

ушбу таълим муассасасига ўқишга қабул қилинсам ва ўқишни тамомлагандан сўнг мен билан тузиладиган шартнома талабларини бажармаганлигим сабабли, захирага бўшатишсам, шартномани муддатидан илгари бекор қилсам ёки содир этган жиноятим учун озодликдан маҳрум этилсам моддий масъуллик тўғрисида огоҳлантирилдим.

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

Биз, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирадиган номзоднинг ота-онаси _____

(Ф.И.О.)

фарзандимиз _____
(Ф.И.О.)

ушбу таълим муассасасига ўқишга қабул қилинса ва ўқишни тамомлагандан сўнг у билан тузиладиган шартнома талабларини бажармаганлиги сабабли, захирага бўшатиlsa, шартномани муддатидан илгари бекор қилса ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилса моддий масъуллигимиз тўғрисида огоҳлантирилдик.

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг
дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(бошлиқнинг Ф.И.О.)

га

(номзоднинг яшаш манзили)

да

яшовчи _____ дан
(номзоднинг Ф.И.О.)

А Р И З А

Мени, ўз хоҳишимга кўра Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кириш учун номзодлар рўйхатига кириштирингизни сўрайман.

Тест синовларини _____ тилида _____ алифбосида
(ўзбек, қорақалпоқ, рус) (кирилл, латин)

топшираман.

Чет тили бўйича тест синовларини (имтиҳонни) _____ тилида
(ўзбек, қорақалпоқ, рус)

топшираман.

Танловда _____ мутахассислиги бўйича
(танлаган мутахассисликнинг номланиши)

иштирок этаман.

Ҳарбий хизмат заруратига кўра лозим топилган жойда хизмат қилишга тайёрман. Ҳарбий хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат, ҳарбий ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда бераман.

_____ га
(имзо)

_____ га
(Ф.И.О.)

20__ йил «_____» _____

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг
дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

_____ га
(командирнинг (бошликнинг) ҳарбий унвони ва Ф.И.О.)

Б И Л Д И Р Г И

Мен _____,
(ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвони, Ф.И.О., лавозими, туғилган йили, санаси ва жойи, ҳарбий хизматга чақирилган йили ва санаси)

Сиздан ўз хоҳишимга кўра мени Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кириш учун номзод сифатида юқори қўмондонликка тавсия этишингизни сўрайман.

Тест синовларини _____ тилида _____ алифбосида
(ўзбек, қорақалпоқ, рус) (кирилл, лотин)

топшираман.

Чет тили бўйича тест синовларини (имтиҳонни) _____ тилида топшираман.

Ҳужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман.

Тест синовларини _____ тилида топшираман.
(ўзбек, қорақалпоқ, рус)

Танловда _____ мутахассислиги бўйича
(танлаган мутахассисликнинг номланиши)

иштирок этаман.

Ҳарбий хизмат заруратига кўра лозим топилган жойда хизмат қилишга тайёрман. Ҳарбий хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат, ҳарбий ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда бераман.

(имзо)

(лавозими, ҳарбий унвони ва Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг
дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Якка тартибдаги суҳбат
ВАРАҚАСИ**

Номзоднинг Ф.И.О.: _____

Номзоднинг оилавий аҳволи: _____

Номзоднинг ота-онаси, яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати: _____

Офицер касбини танлашининг сабаблари ва асослари: _____

Номзоднинг таълим муассасасидаги ўзлаштириш даражаси: _____

Номзоднинг хорижий тилни эгаллаганлик даражаси: _____

Номзод ҳақидаги қўшимча маълумотлар: _____

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул қилиш тартиби батафсил тушунтирилди.

(якка тартибдаги суҳбат ўтказган шахснинг
ҳарбий унвони, лавозими ва Ф.И.О.)

(имзо)

20__ йил «____» _____

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг
дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Индивидуал-психологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодларни мазкур Методикада белгиланган тартибда психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

2. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, баҳолаш мезонлари ва жавоблар бланклари олий ҳарбий таълим муассасаларидаги ўқишнинг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда қоида тариқасида, ҳар уч йилда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ижтимоий-психологик тадқиқотлар маркази томонидан қайта ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар йили психологик тест синовлари бошлангунга қадар индивидуал-психологик ўрганиш бўйича кичик комиссия раисига юборилади.

3. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, баҳолаш мезонлари ва жавоблар бланклари индивидуал-психологик ўрганиш бўйича кичик комиссия раисида сақланади ва у тестлар ва жавобларининг ошкор бўлиб кетмаслиги учун масъул ҳисобланади.

4. Дастлаб номзодлар индивидуал-психологик ўрганиш бўйича кичик комиссия таркибига киритилган мутахассислар томонидан индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш тартиби, шунингдек, ҳар бир вазифа бўйича тайёрланган тестларни ечганлик учун назарда тутилган баҳолаш мезонлари билан таништирилади ҳамда уларга тегишли йўл-йўриқлар берилади.

2-боб. Индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш

5. Индивидуал-психологик ўрганиш яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўтказилиши мумкин.

6. Индивидуал-психологик ўрганиш гуруҳ бўлиб ўтказилганда, хонада номзодлар 40 нафардан ортиқ бўлмаслиги зарур.

7. Индивидуал-психологик ўрганиш давомида номзодларга бир нечта вазифа бўйича психологик тестлар берилади.

8. Психологик тестлар номзодларнинг қўйидаги индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл-заковати, умумий интеллектуал салоҳияти ва хотираси;

мантикий фикрлаши, зийраклиги, тафаккур шаклларининг ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилиятлари; шахсига хос индивидуал хусусиятлари, киришимлилиги, психик турғунлиги, самимийлиги;

касбни танлашининг мақсади ва мақсадининг барқарорлиги.

9. Психологик тест бошлангунга қадар номзоднинг соғлиги суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган номзодлар ўрганишга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва унга кейинги индивидуал-психологик ўрганишдан ўтиш учун қайта рухсат берилади.

10. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун номзод шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Психологик тест синовлари ўтказиладиган хонага микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

12. Психологик тест ўтказиш вақтида ўрганиш ўтказаетган шахслар номзодларни узлуксиз равишда кузатиб туради.

13. Барча топшириқлар бажариб бўлингандан сўнг, номзодлар жавоблар бланкаларини ўрганиш ўтказаетган мутахассислардан бирига топширади. Ўрганиш ўтказган мутахассислар жавоблар бланкаларини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига эътибор бериши зарур.

14. Вазифаларнинг барчасини муваффақиятли топширган номзод олий ҳарбий таълим муассасасига кириш учун тавсия этилади ҳамда унга дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларида иштирок этиш учун рухсат берилади.

15. Вазифаларни муваффақиятли топшира олмаган номзоднинг такрорий тест синовларидан ўтишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Яқуний қоидалар

16. Индивидуал-психологик ўрганиш синовларини топширган номзодларга қайднома расмийлаштирилади.

17. Мазкур қайдномада номзодлар томонидан тўпланган баллар ва индивидуал-психологик ўрганиш бўйича хулоса акс эттирилади.

18. Қайднома индивидуал-психологик ўрганиш бўйича кичик комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

19. Индивидуал-психологик ўрганиш натижаларидан норози бўлган номзод, унга нисбатан берилган хулосани асослантурувчи маълумот билан танишиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг
дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Номзодларга дастлаб машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича кичик комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади.

3. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларига:

фуқаролар спорт кийимида;

ҳарбий хизматчилар ҳарбий кийимда келишлари лозим.

4. Номзодлар қўйидаги машқларни бажаради:

турникда тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш.

5. Машқлар оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

6. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра топширмаган ёхуд топширишдан бош тортган номзодлар қоникарсиз баҳоланади.

2-боб. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

7. Турникда тортилиш машқини бажаришда:

бош бармоқ поя ичкарисидан ушланади, тана биров ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Жуфт тутилган оёқларни 45° гача букишга рухсат берилади.

8. Номзодларнинг турникда тортилиш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

а) фуқаролар учун:

12 маротаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

10-11 маротаба тортилганда — «яхши»;

8-9 маротаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 7 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

б) ҳарбий хизматчилар учун:

14 маротаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

12-13 маротаба тортилганда — «яхши»;

10-11 маротаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 9 маротаба тортилганда ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

9. 100 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

10. Номзодларнинг 100 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

а) фуқаролар учун:

14,0 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,1 — 14,4 сонияда бажарган тақдирда — «яхши»;

14,5 — 15,0 сонияда бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,1 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

б) ҳарбий хизматчилар учун:

14,0 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,1 — 14,4 сонияда бажарган тақдирда — «яхши»;

14,5 — 15,2 сонияда бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,3 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

11. 3000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

12. Номзодларнинг 3000 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

а) фуқаролар учун:

12,40 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

12,40 дақиқадан кўп, бироқ 13,20 дақиқагача бажарган тақдирда — «яхши»;

13,20 дақиқадан кўп, бироқ 14,0 дақиқагача бажарган тақдирда — «қониқарли»;

14,0 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

б) ҳарбий хизматчилар учун:

12,40 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

12,40 дақиқадан кўп, бироқ 13,0 дақиқагача бажарган тақдирда — «яхши»;

13,0 дақиқадан кўп, бироқ 13,35 дақиқагача бажарган тақдирда — «кониқарли»;

13,35 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — «кониқарсиз» деб баҳоланади.

13. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда камида битта «кониқарсиз» баҳо олган бўлса, умумжисмоний тайёргарлик синовларидан «ўтмаган» деб ҳисобланади.

14. Умумжисмоний тайёргарлик синовларидан ўтмаган номзодларга машқларни такрорий бажаришга рухсат берилмайди.

3-боб. Яқуний қоидалар

15. Умумжисмоний тайёргарлик синовларини топширган номзодларга қайднома расмийлаштирилади.

16. Мазкур қайдномада номзодлар томонидан бажарилган машқлар ва улар учун қўйилган баҳолар кўрсатилади.

17. Қайднома номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича кичик комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

945 «Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1584-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 декабрда эълон қилинган.

22 ноябрдаги 941-сон «Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2006 йил 19 июндаги 95-мх-сон «Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1584, 2006 йил 19 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 239-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 декабрь,
543-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги
543-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

«Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон «Автомобилтранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 2018 йил 22 ноябрдаги 941-сон «Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**».

2. Қоидаларда:

а) 4-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 6-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Адлия бошқармаси нотариал идораларни гербли бланкалар билан бир йиллик эҳтиёжи миқдорида таъминлайди ва сарфланиши устидан «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими (бундан буён матнда Тизим деб юритилади) орқали назорат қилади.»;

г) 8-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Адлия бошқармасидан гербли бланкалар нотариусларга гербли бланкаларни тарқатиш дафтарида уларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилиб, имзоси қўйдирилган ҳолда берилади.»;

д) 9-банддан «, икки ёки ундан ортиқ нотариус ишлайдиган нотариал идораларда эса катта нотариуслар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

е) 10-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Йўқолган ва бузилган гербли бланкалар ҳақидаги маълумотлар (бланканинг тури, серияси, рақами, ҳудудий коди) нотариуслар томонидан Тизимга киритилади.»;

ж) 13-банддаги «Нотариал идоралари» деган сўзлар «Нотариуслар» деган сўз билан алмаштирилсин;

з) 14 ва 15-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

и) 18 ва 19-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«18. Нотариал идораларининг фаолияти Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаси томонидан ўрганилганда гербли бланкаларнинг сақланиши ва сарфланиши ҳолатлари, албатта, текширилади ва натижаси ҳақида ўрганиш юзасидан тузилган маълумотномада кўрсатилади.

19. Нотариуслар томонидан сарфланган гербли бланкалари ҳақидаги маълумотлар Тизимга киритилади.»;

к) 20 — 23-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

л) 25-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«25. Адлия бошқармалари сарфланган ва қолдиқ гербли бланкалар тўғрисида ҳисоботларни ҳар чоракда Адлия вазирлигига топширади.»;

м) 1-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 1-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин;

н) 2-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 2-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин;

о) 3 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

«Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
1-ИЛОВА

«Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларига
1-ИЛОВА

**Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашда
фойдаланиладиган герб бланкаларини кирим қилиш
ДАФТАРИ**

Юкхат рақами ва санаси	Кирим қилинган сана	Бланка номи	Гувоҳнома серияси ва рақамлари	Сони	Изоҳ
23-сон 20.06.2018 й.	22.06.2018 й.	Ишончнома	KI-№000001-TN KI-№020000-TN	20000	
23-сон 20.06.2018 й.	22.06.2018 й.	Шартнома	KSh-№000001-TN KSh-№020001-TN	20000	

**Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал
тасдиқлашда фойдаланиладиган герб бланкаларини кирим қилиш
ДАФТАРИ**

Юкхат рақами ва санаси	Кирим қилинган сана	Бланка номи	Гувоҳнома серияси ва рақамлари	Сони	Изоҳ
23-сон 20.06.2018 й.	22.06.2018 й.	Ишончнома	AI-№000001-TN AI-№020000-TN	20000	
23-сон 20.06.2018 й.	22.06.2018 й.	Шартнома	ASh-№000001-TN ASh-№020001-TN	20000	

».

«Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
2-ИЛОВА

«Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларига
2-ИЛОВА

**Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашда фойдаланиладиган герб бланкаларини тарқатиш
ДАФТАРИ**

Нотариал идора номи	Нотариус Ф.И.О.	Тарқатилган сана	Бланка номи	Бланка серияси ва рақами	Сони	Имзо
Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идораси	Н.Т. Салимова	25.06.2018 й.	Ишончнома	KI-№000001-TN KI-№000200-TN	200	
		25.06.2018 й.	Шартнома	KSh-№000001-TN KSh-№000300-TN	300	
	Ф.Ф. Самадов	25.06.2018 й.	Ишончнома	KI-№000201-TN KI-№000400-TN	200	
		25.06.2018 й.	Шартнома	KSh-№000301-TN KSh-№000600-TN	300	
Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идораси	Б.Б. Закиров	26.06.2018 й.	Ишончнома	KI-№000401-TN KI-№000600-TN	200	
		26.06.2018 й.	Шартнома	KSh-№000601-TN KSh-№000900-TN	300	
	Ф.Т. Эшманов	26.06.2018 й.	Ишончнома	KI-№000601-TN KI-№000800-TN	200	
		26.06.2018 й.	Шартнома	KSh-№000901-TN KSh-№001200-TN	300	
	Ш.К. Исроилов	26.06.2018 й.	Ишончнома	KI-№000801-TN KI-№001001-TN	200	
		26.06.2018 й.	Шартнома	KSh-№001201-TN KSh-№001500-TN	300	

**Автомобилтранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашда фойдаланиладиган
герб бланкаларини тарқатиш
ДАФТАРИ**

Нотариал идора номи	Нотариус Ф.И.О.	Тарқатилган сана	Бланка номи	Бланка серияси ва рақами	Сони	Имзо
Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идораси	Н.Т. Салимова	25.06.2018 й.	Ишончнома	AI-№000001-TN AI-№000200-TN	200	
		25.06.2018 й.	Шартнома	ASh-№000001-TN ASh-№000300-TN	300	
	Ф.Ф. Самадов	25.06.2018 й.	Ишончнома	AI-№000201-TN AI-№000400-TN	200	
		25.06.2018 й.	Шартнома	ASh-№000301-TN ASh-№000600-TN	300	
Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идораси	Б.Б. Закиров	26.06.2018 й.	Ишончнома	AI-№000401-TN AI-№000600-TN	200	
		26.06.2018 й.	Шартнома	ASh-№000601-TN ASh-№000900-TN	300	
	Ғ.Т. Эшманов	26.06.2018 й.	Ишончнома	AI-№000601-TN AI-№000800-TN	200	
		26.06.2018 й.	Шартнома	ASh-№000901-TN ASh-№001200-TN	300	
	Ш.К. Исроилов	26.06.2018 й.	Ишончнома	AI-№000801-TN AI-№001001-TN	200	
		26.06.2018 й.	Шартнома	ASh-№001201-TN ASh-№001500-TN	300	

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

946 Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-А

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–476-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3671-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи (рўйхат рақами 1523, 2005 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 358-модда) билан тасдиқланган Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 ноябрь,
53-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил
6 ноябрдаги 53-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини
беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартибини белгилайди.».

2. 1-банддан «в» ва «г» кичик бандлар чиқариб ташлансин.

3. 1-боб 1-параграфининг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1-§. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ
хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги
ерлардан фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари
ажратиб беришнинг умумий шартлари».**

4. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан ер участкалари ажратиш тўғрисида, шунингдек, ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида туман ҳокими қарор қабул қилади.».

5. 7-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан ер ажратишга доир икки лойиҳаси бўйича ўтказилган танловда ғолиб чиққан фуқароларнинг, шу жумладан, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари бошлиқларининг кўрсатилган ер участкалари бўйича бошқа лойиҳалар юзасидан ўтказиладиган танловлардаги иштироки тўхтатилади.».

6. 8-банддан «қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 1-бобнинг 2-параграфи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. 20-банднинг «д» кичик бандидаги «туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими» деган сўзлар «туман қишлоқ хўжалиги бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Комиссиянинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатлари туман ҳокимлигида ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан ажратилган ерлар бўйича алоҳида йиғма жилдларда сақланади. Мазкур ҳужжатлар фермер

хўжаликларининг барчаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 2 ҳафта мобайнида туман ҳокимлигининг идоравий архивига топширилади.».

10. 40-банддан ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

11. 2-илованинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6.	Оилавий пудратчи ёки фермер хўжалиги бошлиғи ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбари ва ходимлари (фермер хўжаликлари ходимлари ва оилавий пудратчилар бундан мустасно) учун сўнгги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бажарилиши	(энг юқори балл барча турдаги маҳсулот етказиш шартномалари бажарилганда берилади)		туман статистика бўлими ёки қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан берилган маълумотнома
		3 йил сурункали бажарганда	8 — 10 балл	
		3 йилдан 2 йил бажарганда	6 — 8 балл	
		3 йилдан 1 йил бажарганда	4 — 6 балл	

12. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2018 йил 1 ноябрь

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 22 октябрь

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси*

А. ХАЙТОВ

2018 йил 29 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**947 Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933-1

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сон «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 31 мартдаги 85-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 1933, 2009 йил 31 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 169-модда) билан тасдиқланган Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 декабрь,
545-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги
545-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат
реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Гувоҳномалар бланкаларининг кирими ва чиқими 2-иловага мувофиқ шаклларда ҳисобга олиш дафтарларида қайд этилади.

Ҳисобга олиш дафтарлари тикилган, уларнинг варақлари рақамланган, адлия органининг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши ҳамда ёнмайдиган ёки махсус жихозланган шкафларда сақланиши керак.

Расмийлаштирилган адвокатлик гувоҳномаларини беришни ҳисобга олиш дафтари 3-иловага мувофиқ электрон шаклда юритилади. Бунда расмийлаштирилган адвокатлик гувоҳномаларини беришни ҳисобга олиш дафтаридаги тегишли буйруқларнинг реқвизитларида буйруқнинг санаси ва рақами кўрсатилиши керак.»

2. 13-банд учинчи хатбошисининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гувоҳнома талабгор ёки адвокатга гувоҳнома олганлиги тўғрисида тилхат орқали берилади.»

3. 14-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахририда баён этилсин:

«14. Адвокатнинг ихтисослиги ўзгарганда, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан кейинги ўринларда лицензия деб юритилади) қайта расмийлаштирилганда ёки дубликати берилганда адвокат лицензияни (лицензия дубликатини) олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида гувоҳнома берган адлия органига лицензиянинг (лицензия дубликатининг) нусхасини ва сўнгги 12 ой мобайнида тушган 3 x 4 см ўлчамдаги рангли фотосуратидан 2 донасини илова қилган ҳолда янги гувоҳнома бериш тўғрисида ариза тақдим этиши шарт.»

4. 18-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«18. Адвокат мақомини тўхтатиб туриш Қонунда назарда тутилган ҳолларда малака комиссияси қарори билан амалга оширилади. Ушбу қарор асосида тегишли адлия органи раҳбарининг адвокат мақомини тўхтатиб туриш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади, бу эса, гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келади. Агар адвокат мақомини тўхтатиб туриш лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш оқибати бўлса, буйруқда бир вақтнинг ўзида лицензиянинг амал қилишини ва адвокат мақомини тўхтатиб туриш кўрсатилади. Малака комиссиясининг адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан адвокат мақоми тўхтатилган ҳисобланади.»

5. 19-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Адвокат мақоми тўхтатиб турилган шахс мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат ўтишидан камида ўн кун олдин тегишли малака комиссиясига адвокат мақомини тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади. Аризага адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Малака комиссияси кўрсатилган муддатда аризани кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади. Малака комиссиясининг адвокат мақомини тиклаш ҳақидаги қарори асосида адлия органи раҳбарининг адвокат мақомини тиклаш ва гувоҳномани қайтариш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади.».

6. Қуйидаги мазмундаги 19¹-банд билан тўлдирилсин:

«19¹. Адвокат мақоми Қонунда назарда тутилган ҳолларда лицензиянинг амал қилиши тугатилиши муносабати билан тугатилади. Адвокат мақомини тугатиш тўғрисида адлия органи раҳбарининг буйруғи расмийлаштирилади.».

7. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Амал қилиши тугатилган гувоҳномалар, шунингдек, мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда ўрнига янги гувоҳномалар берилган гувоҳномалар адлия органлари томонидан йўқ қилиниши ва бу ҳақда далолатнома тузилиши керак. Мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган гувоҳномалар ҳам шундай тартибда йўқ қилинади.».

8. 25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Реестрлар мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ электрон шаклда юритилади.».

9. 26-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Адлия органининг раҳбари буйруқ билан реестр юритиш учун масъул бўлган шахсни белгилайди.».

11. 28-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«руҳсат берилган ихтисослик турлари;»;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилари тегишлича бешинчи — ўн биринчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

12. 30-банддаги «реестрнинг 1 — 5-устунларига» деган сўзлар «реестрнинг 1 — 6-устунларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 31 ва 32-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Реестрнинг 2 — 5-устунларида кўрсатилган маълумотлар ўзгариши муносабати билан янги гувоҳнома берилганда, ана шу ўзгаришлар реестрда навбатдаги реестр рақами остидаги янги қаторга ўзгартирилган тегишли маълумотларни киритиш йўли билан акс эттирилади. Бунда бирламчи қаторнинг (яъни, худди ана шу адвокат тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган қаторнинг) 11-устунига янги қаторнинг реестр рақамига ҳавола қилинган ҳолда тегишли маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида белгилар киритилади, янги қаторнинг 11-устунида эса, бирламчи қаторнинг реестр рақамига ҳавола қилинади.

Мисол. Реестрнинг 3-реестр рақами остига (1 — 6-устунларга)

«ХУҚУҚ» адвокатлар ҳайъатида ишловчи адвокат Б.С. Норматов тўғрисидаги маълумотлар киритилган. У бошқа адвокатлик тузилмаси — «ФЕМИДА» адвокатлик фирмасига кирган. Бу вақтга келиб, реестр рақамининг охиригиси 76 бўлган. Кўрсатилган ўзгаришлар реестрда қуйидагича қайд этилади. 77-реестр рақами остидаги қаторда 1 — 5-устунлар тўлдирилади, бунда 5-устунда янги адвокатлик тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Худди шу қаторнинг 11-устунида қуйидагилар ёзиб қўйилади «3-реестр рақамига қаранг». 3-реестр рақамининг 11-устунига қуйидагилар ёзиб қўйилади «ФЕМИДА» адвокатлик фирмасига кирган, 77-реестр рақамига қаранг».

32. Аввал бошқа адлия органи томонидан гувоҳнома берилган, яъни бошқа ҳудуд бўйича реестрда турган адвокатга янги гувоҳнома берилганда янги гувоҳномани бераётган адлия органи реестрнинг 1 — 5 ва 11-устунларига тегишли белгилар киритади. Бунда 11-устунда бошқа адлия органи томонидан адвокат мақоми берилганлиги ва унинг берилган санаси кўрсатилади.

Бундай ҳолда адлия органи ўзи аввал берган гувоҳномани олгач (мазкур Низом 13-бандининг иккинчи хатбошиси), реестрнинг 12-устунида асос сифатида адвокат тегишли ҳудуд бўйича реестрга киритилганлигини ва киритиш санасини кўрсатган ҳолда адвокатнинг реестрдан чиқарилганлиги тўғрисида белги қўяди.

Мисол. Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқаро Т.К. Иброҳимовга адвокат мақоми берилганлиги муносабати билан унга 2009 йил 29 майда гувоҳнома берилган ва у тегишли реестрга киритилган. Кейинчалик эса, Т.К. Иброҳимов Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтказилган адвокатлик тузилмасига кирган ва унга 2009 йил 11 сентябрда янги гувоҳнома берилган. Шу муносабат билан Самарқанд вилояти адлия бошқармаси аввал Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан адвокат Т.К. Иброҳимовга берилган гувоҳномани Бухоро вилояти адлия бошқармасига юборган. Мазкур ўзгаришлар Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг реестрларида қуйидаги тарзда акс эттирилади. Самарқанд вилояти адлия бошқармаси реестрнинг 1 — 5-устунларини тўлдиради, 11-устунга эса, қуйидагиларни ёзиб қўяди: «Адвокат мақоми 2009 йил 29 майда Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан берилган». Бухоро вилояти адлия бошқармаси реестрнинг 12-устунига қуйидагиларни ёзиб қўяди: «2009 йил 11 сентябрда Самарқанд вилояти бўйича реестрга киритилганлиги муносабати билан реестрдан чиқарилган».

14. 33-банддаги «реестрнинг 10-устунига» деган сўзлар «реестрнинг 11-устунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Адвокат мақоми тугатилганида мазкур Низомнинг 29-бандида кўрсатилган маълумотларга қўшимча равишда реестрнинг 12-устунига 10-устунга

ҳавола қилган ҳолда адвокат реестрдан чиқарилганлиги тўғрисида белги қўйилади. Масалан, «Адвокат мақоми тугатилганлиги муносабати билан реестрдан чиқарилди, 10-устунга қаранг».

16. 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Адвокатларнинг йиғма давлат реестри (бундан кейинги ўринларда Йиғма реестр деб юритилади) реестрлар асосида электрон шаклда юритилди.».

17. 37-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

18. 38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири буйруқ билан расмийлаштирган ҳолда Йиғма реестрни юритиш учун масъул шахсни белгилайди.».

19. 40-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. 1-илованинг олтинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Лицензия рақами: _____ 20____ «____» _____

Ихтисослиги: _____; _____».

21. 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

22. 4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

23. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

Адвокатлар палатаси раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2018 йил 6 декабрь

Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Расмийлаштирилган адвокатлик гувоҳномалари беришни ҳисобга олиш ДАФТАРИ

(адлия органининг номи)

Тартиб рақами — гувоҳнома-нинг рақами	Адвокатнинг Ф.И.О.	Лицензия-нинг рақами ва берилган санаси	Рухсат берилган ихтисослик	Адвокатлик тузилмасининг номи ва жойлашган ери (почта манзили)	Адвокатлик гувоҳнома-сининг берилган санаси	Қуйидаги муносабат билан гувоҳномани бериш тўғрисидаги буйруқнинг реқвизитлари:				
						адвокат мақомини бериш	адвокатлик тузилмасини тузиш ёки бошқа адвокатлик тузилмасига кириш	Ихтисослик-нинг ўзгариши	лицензияни қайта расмийлаштириш ёки дубликатини бериш	гувоҳномани йўқотиш ёки яроқсиз ҳолга келиши
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

давоми

Адвокат мақоми тўхтатиб турилганлиги тўғрисидаги буйруқнинг реқвизитлари	Адвокат мақоми тўхтатиб турилганлиги муносабати билан гувоҳнома олиб қўйилган сана	Адвокат мақоми тикланганлиги тўғрисидаги буйруқнинг реқвизитлари	Адвокат мақоми тўхтатиб турилганда олиб қўйилган гувоҳноманинг қайтарилган санаси	Адвокат мақоми тугатилганлиги тўғрисидаги буйруқнинг реқвизитлари	Адвокат мақоми тугатилганлиги муносабати билан гувоҳноманинг олиб қўйилган санаси	Гувоҳнома йўқ қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар (сана, асос ва бошқа шу кабилар)
12	13	14	15	16	17	18

».

Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

бўйича

(хулуднинг номи)

АДВОКАТЛАРНИНГ ДАВЛАТ РЕЕСТРИ

Реестр рақами	Адвокатнинг Ф.И.О.	Лицензиянинг рақами ва берилган санаси	Рухсат берилган ихтисослик	Адвокатлик тузилмасининг номи ва жойлашган ери (почта манзили)	Адвокат мақомини бериш тўғрисидаги буйруқнинг реқвизитлари	Адвокат мақомини тўхтатиб туриш тўғрисидаги буйруқнинг реқвизитлари	
						лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда	лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш билан боғлиқ бўлган ҳолда
1	2	3	4	5	6	7	8

давоми

Адвокат мақоми тикланганлиги тўғрисидаги буйруқнинг реқвизитлари	Адвокат мақоми тугатилганлиги тўғрисидаги буйруқнинг реқвизитлари	Қўшимча маълумотлар	Реестрдан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар
9	10	11	12

».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 1 декабрдан 7 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 2-мх-сон «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3094.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 3 декабрдаги 537-мх-сон «Диний ташкилотлар томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3095.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02-01/13-68-сон «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2814-1.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 53-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан, тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-2.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/12-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/11-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг 2018 йил 30 октябрдаги 16, 30-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3096.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 543-мх-сон «Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1584-2.

9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 53-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-4.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 545-мх-сон «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш), тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2814, 2016 йил 21 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 3 декабрдаги 538-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.